



Hurriyat

Mustaqil gazeta

2025-yil
13-avgust
chorshanba
№ 32 (1458)

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqq boshlagan * www.uzhurriyat.uz * @ hurriyatuz@mail.ru * t.me/hurriyatuz * f Hurriyat gazetasi

МУНОСАБАТ

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ВА МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Юртимизда олиб борилаётган очиклик сиёсати, яхши кўшничилик муҳити бир-бири билан азалдан дўст-биродар, қон-қариндош, қуда-анда бўлиб яшайтган, қадриятлари, дини ва урф-одатлари бир, тили бир-бирига яқин халқларни яна қайтадан бирлаштириди, десак хато бўлмайди. Узаро меҳр-оқибат, ҳурмат ва яхши-ёмон кунларда ёрдамга келиш, бир-бирига кўмак бериш бош мақсадга айланади. Эндиликда Марказий Осиё давлатлари халқ фаровонлиги йўлида глобал муаммоларни ўзаро ҳамкорлик асосида ҳал қилмоқдалар.



маклашувчи жамғарма тузиш, Заифлик глобал индексини ишлаб чиқиш ва агротехнологияларга ихтисослашган инновация хабни ташкил этиш каби аниқ ва амалий тақлифлар билдирилди.

Жумладан, "Биз Ўзбекистон – Афғонистон – Покистон темир йўлини куриш лойиҳасини тайёрлаш ва амалга оширишни тезлаштириш тарафдоримиз. Ушбу истиқболли йўлакни курилайтган Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон темир йўли магистрали билан боғлаш кенга минтақамизда янги савдо-иқтисодий макон ва барқарор транспорт инфратузилмасини шакллантириш учун катта имкониятлар очади", – деди Президентимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг денгизга чиқиш йўлига эга бўлмаган ривожланаётган мамлакатлар бўйича учинчи конференциясидаги нутқида.

Президентимиз туркман халқининг миллий етакчиси, Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов билан мулоқотда бўлди, БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш билан учрашди. Ушбу халқаро анжуман Марказий Осиё давлатлари учун қанчалик муҳим экани тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Конференция доирасида Ўзбекистон – Туркменистон стратегик шериклик муносабатларида янги даврни бошлаб берган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга Туркменистоннинг "Ҳамкорликни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун" ордени топирилди. Конференция якунида Аваза сиёсий декларацияси қабул қилинди.

Президентимиз томонидан илгари

сурилайтган "Янги Марказий Осиё" ғояси минтақа мамлакатлари ўртасида яқин мулоқот, очик чегаралар, савдо-иқтисодий ҳамкорлик, инсонпарварлик ва ўзаро ишончга асосланган алоқаларга пойдевор бўлмоқда. Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар – Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Афғонистон билан муносабатлари сезиларли даражада яхшиланди, хусусан, чегара ва сув ресурслари каби долзарб масалалар бўйича эришилган келишувлар бу сиёсатнинг самарадорлигини далolat беради.

Назаримизда мазкур ташрифнинг яна бир таъсирли ва рамзий жиҳати шунда бўлдики, Туркменистонда шакллантирилган юқори протокол қоидаларидан фарқли равишда туркман халқининг миллий етакчиси, Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов Шавкат Мирзиёевни шахсан аэропортда кузатиб қўйди. Бу икки давлат ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва самимий дўстона муносабатлар, халқларимиз ўртасидаги чинакам қардошлик алоқаларининг ёрқин намунасининг исботидир.

Ушбу конференцияда Ўзбекистон Республикасининг фаол иштироки мамлакатимизнинг глобал ва минтақавий масалаларда қатъий позицияга эгаллигини, жаҳон ҳамжамияти билан самарали мулоқотга интилишини ва барқарор тараққиёт, тинчлик ҳамда ҳамкорликни таъминлашга қаратилган ташаббусларини яна бир бор намоён этди.

Рашид РУЗИБАЕВ,
Тошкент давлат тиббиёт университети
Урганч филиали директори.

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

"ЎЗБЕК ЖУРНАЛИСТИКАСИ АНТОЛОГИЯСИ" – НУРАФШОНДА!

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Тошкент вилояти бўлимида "Ўзбек журналистикаси антологияси" китобининг тақдими бўлиб ўтди.



Нурафшон шаҳрида бўлиб ўтган ушбу тадбирда Тошкент вилоятида чоп этиладиган босма нашрлар бош муҳаррирлари, таҳриратларда ижод қилаётган журналистлар ва китобхонлар иштирок этишди.

Тақдимот тадбирини Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Тошкент вилояти бўлими раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Раҳматилла Шералиев олиб борди ва китобга киритилган манбалар ҳақида маълумотлар бериб ўтди.

Тадбирда "Машъап" газетаси муҳаррири О.Исроилов, иқтидорли журналист Ш.Низомиддинов, "Тошкент ҳақиқати" газетаси бўлим мудири Т.Ҳасанбоев сўз олиб, "Ўзбек журналистикаси антологияси" китобининг мазмун-моҳияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

— Миллий журналистикаимизнинг ривожланиш босқичлари билан боғлиқ муҳим ва қимматли маълумотлар жамланган ушбу антология юртимиз оммавий ахборот воситалари вакиллари, ижодкорлар, тадқиқотчилар, журналист кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари ўқитувчи-талабалари, соҳага қизиққан барча китобхонлар учун муҳим манба бўлиб хизмат қилиши аниқ, – деди Раҳматилла Шералиев.

Тадбир якунида тақдимот иштирокчиларига "Ўзбек журналистикаси антологияси" китоби тухфа қилинди.

2-6

ДИЛДАГИ ГАПЛАР



МАЪНАВИЙ ЮКСАКЛИККА ЧОРЛОВ

Болалигидан газета-журнал, китоб ўқиб улғайган авлод ҳаётда муносиб ўрнини топган. Улар танлаган соҳалари бўйича касб-корли бўлиш билан бир қаторда бахтли оилалар соҳиби ва соҳибаларига айланган. Балки шу боисдан ҳам ҳозир 50-60 ёшдан ошган замондошларимиз орасида оилавий низолар гирдобиди қолган, қўйди-чиқди ортидан бахтсиз бўлиб қолганлар йўқ ҳисоби... Улар ҳою ҳаваслар гирдобиди ҳам қолмайди, қандайдир оқимлар, бузғунчи ғоялар ва бошқа хатарли йўللardan ҳам йироқ юришади. Бундай инсонлар эришган бахтига ҳавас қилса арзийди! Демак, оила тарбияси, мактаб таълими билан бир қаторда газета-журнал, китоб мутолаасини қанда қилмаганлар ана шундай бахтга эришганлар!

4-6

ОҒРИҚ

ОДАМ САВДОСИ — ДАВР МУАММОСИ

Одам савдоси — оғир жиноят, аянчли иллатлардан бири. Афсуски, ҳозирги глобаллашув асрида инсонни товламачилик йўли билан сотиш, моддий манфаат учун товарга айлантириш ҳолатлари дунё бўйлаб кун тартибидан тушмаяпти. Ҳар йили юз минглаб беғуноҳ инсонлар турли алдовлар, таҳдидлар, зўравонлик орқали одам савдоси қурбонига айланиб қолмоқда. Улар ўз ҳаёти, эркинлиги ва орзуларидан маҳрум бўлиб, жисмоний ва маънавий азобларга гирифтор бўляпти. Энг ачинарлиси, бу жиноятни содир этувчиларнинг ҳам, бундан жабр кўрувчиларнинг ҳам муддаолари муштарак, яъни осон йўл билан даромад топиш.

Одам савдосининг кўплаб турлари мавjud бўлса-да, уларнинг энг кенг тарқалган ва салбий оқибатлари оғир бўлган турт асосий тури фарқланади: — шахвоний эксплуатация; — меҳнат эксплуатацияси; — чақалоқ ва бола савдоси; — инсон аъзоларининг ноқонуний трансплантацияси.

Одам савдоси трансмиллий, яъни ҳудуд ва чегара танламайдиган жиноят ҳисобланади. Шу боисдан давлатимиз 2003 йил 12 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1950 йилда қабул қилинган Конвенцияга қўшилди ҳамда 2008 йилнинг 17 апрелида Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди.

Шунингдек, 2010 йил 30 июлда БМТ Бош Ассамблеяси 64/293-резолюцияси билан Одам савдосига қарши курашиш бўйича БМТнинг Глобал ҳаракат дастури қабул қилинган.

3-6


УРГАНЧ ШАҲАР ҲОКИМИ ДИҚҚАТИГА!

ЙИҒЛАЁТГАН

ДАРАХТЛАРНИНГ УВОЛИ БОР

МУБОРАК БЎЛСИН!

Ўзбекистон халқ ёзувчиси — Эркин АЪЗАМ ва
Ўзбекистон халқ шоири — Усмон АЗИМ 75 ёшда



Шу кунларда ўзларининг кутлуг 75 ёшини нишонлаётган ўзбекининг икки сукулди адиби, асарлар нафақат миллий адабиётимизда, балки дунё адабиётини ҳам алоҳида эътирофларга сазовор бўлган ижодкорлар — Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Аъзам ва Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим номи кириб бормаган хонадон – оила, кўнгли топилмаса керак.

Ватанимизнинг гўзал ва мафтункор, жан-

натмонанд гўшаларидан бири бўлган Бойсун заминиде таваллуд топган забардаст истеъдод соҳиблари ижодисиз бузғунчи адабиётимизни тасаввур қилиб бўлмайди. Кўп миң сонли ўқувчиларимиз, қолаверса, "Hurriyat" чилар ҳам элимиз ардоғидеги доврўқли сўз заргарларини ушбу унутилмас сана муносабати билан самимий кутлайди!

6-7-6

Президентимиз жорий йил 1-2 май кунлари Хоразм вилоятига қилган ташрифида воҳада 10 миллион туп тут, жийда ва гужум экиш бўйича уч йиллик дастур ишлаб чиқиш вазифасини қўйган эди. Бу жуда муҳим вазифа учун хоразмликлар мамлакатимиз раҳбарига тасаннолар айтгани айни ҳақиқат. Чунки ёз фасли ўта даражада иссиқ, қиши эса жуда қаттиқ совуқ келади деган ўлкада қадим-қадимлардан бунён воҳа табиатига, иклимига мос келадиган дов-дарактларни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратиб келиниши бежиз эмас.

2-6

ЙИҒЛАЁТГАН ДАРАХТЛАРНИНГ УВОЛИ БОР

1-6

Аммо нима бўлди, бу аънава бироз четга сурилди ва бирваракайига арча дарахтини мажбурий равишда кўпайтиришга киришилгани ҳам сир эмас. Хоразмнинг иқлимга мос келмайдиган арчалар эса жуда қимматга тушган. Негаки, ҳар йили минг-минглаб тул арчалар ўтказиларди ва воҳанинг иссиқ ҳавоси туфайли улар қуриб қолаверди. Бу ҳол яқин-яқинларгача ҳукм сурди.



Фақат воҳанинг кекса отахонлари арча экиш компаниясига парво ҳам қилмай гужум дарахти ниҳолларини экишда давом этишди. Гужумларнинг барглари қалин бўлганлиги боис саратоннинг иссиғида танага ором беради, ерга тангадек кўёш нуруни туширмайди. Чанг ва шамолда гужумнинг садоқатли барглари чанглари тутиб қолади. Табиатта кўрк бағишлайди, инсон вужудига ором, сокинлик бахш этади.

Албатта, экилган ниҳолларни асрашни ҳам билиш керак. Гуркираб ўсиб турган гужумларнинг қуриши кўп ачинарли ҳолдир. Урганч шаҳрининг қоқ марказида, мустақилликнинг илк йилларида бунёд этилган "8-блок" деб аталадиган ҳудудда тadbirkorлик биналари жойлашган. Савдо расталарида кийим-кечаклар, халқ истеъмоли моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари сотишади. Турли хил таомлар пиширилади. Бир пайтлар мазкур дўконлар атрофлари ям-яшил дарахтлар билан зийнатланган эди. Аммо сўнгги пайтларда дарахтлар кесилиб, бир кечада бетон қилиниб, дўкончалар қуриб ташланганига не дейсиз?

Яқинда бўйи икки-уч метр келадиган гужум дарахтининг шундоққина биқинига ўрнатилган тандирларни кўриб ачдинди. Тандирдан чиқаётган олов гужум япроқларини қорайтириб ташлаётган экан.

Тандирга бир боғ ғўзаояни тиқиб, сомса пишириш учун ҳозирланаётган соловчи бу манзарани телефонга тушираётганимиздан аччиғи чиқиб тўнгиллади.

— Ўсиб турган дарахт ёниб кетса яхшими? — деди ҳамроҳим, журналист Эрпулат Бахт. — Биласиз-ку, гужум неча йилларда дарахт бўлади?

— Майли, тандирни бошқа жойга кўчирамиз, — деди ёнидаги киши. Бундай ҳолатга "8-блок" ҳудудида яна уч-тўрт жойда дуч келдик. Айнан дарахтларнинг остига, соя-салқиндаги тандирлар гуриллаб ёниб, тутун қайтариб ётибди. Биноларнинг атрофларига ғўзаоя уйиб ташланган. Мазкур бинода бир неча овқатлашни шохобчалари жойлашган.

Наҳотки, Урганч марказий деҳқон бозорига ёндош ҳудуддаги бу манзара Урганч шаҳри ҳокимиятидаги масъулларни, табиатни муҳофаза қилишга масъул идораларни, қолаверса, маҳалла фуқаролар йиғини мутасаддиларини ташвишлантирмас?

Вилоятдаги ободонлаштириш, санитария-эпидемиология бошқармалари катта-

ҲАР СОҲАДА ФАОЛ ЖУРНАЛИСТ

1-6

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Бухоро вилояти бўлими ҳамда Республика Маънавият ва маърифат маркази Жондор туман бўлими билан ҳамкорликда тумандаги муносиб ва санъат мактабида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси Раъно Раҳимованинг қўллуғ етмиш ёшга киргани муносабати билан ижодий кеча ташкил қилинди.



тиб, меҳнат фаолиятини Жондор туман ҳокимлиги муассислигидаги газетда бошлаган. Ўзининг билим ва ҳаёт тажрибасига эга бўлган

журналист ҳар соҳада доимо фаолликни қанда қилмади. Хусусан, туман ёшлар ташкилоти қотиби, туман партия қўмитаси йўриқчиси, туман ижроия қўмитаси раиси ўринбосари, туман ҳокимнинг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари лавозимларида ишлаб, обрў эътибор қозонди. Бугунги кунда Жондор тумани ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси вазифасида фаолият юритмоқда.

Туманинг ижтимоий-маънавий тараққиёти йўлида 50 йилдан ортиқ меҳнат қилган Раҳимова давлатимиз томонидан "Муътабар аёл" кўркак нишонига, "Дустлик" ҳамда "Меҳнат шохрати" орденларига муносиб қўрилган.

— Раъно опа қаерда, қандай шавримда меҳнат қилмасин, қўлидан қаламини туширмади, — деди уюшманинг вилоят бўлими мутахассиси Обид Қўлдош. — Халқнинг меҳрини қозониш ҳаммага ҳам насиб қилмайди. У ана шу бахт билан сийланган.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН АНДИЖОНЛИК ФОТОЖУРНАЛИСТЛАР НИГОҲИДА

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Андижон вилояти бўлими ҳамда Ўзбекистон Бадий академияси, Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси ҳамкорлигида Андижон шаҳридаги "Жоме" меъморий мажмуаси — Регистон майдонида мустақиллигимизнинг 34 йиллиги муносабати билан "Янги Ўзбекистон андижонлик фотожурналистлар нигоҳида" мавзусида фотокўргазма ташкил этилди.



Унда тажрибали фахрий фотомухбирлар, умумтаълим мактаблари жамоалари ва фотожурналистикага қизиқувчи ўқувчи-ёшлар иштирок этди. Кўргазмага вилоятда фаолият юритаётган газета ва журналларнинг фотомухбирлари ҳамда ахборот хизмати ходимларининг ижодий ишлари кўйилди.

Фотосуратларда "Янги Ўзбекистон" мавзуларида вилоятда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда бўлаётган ислохотлар, ишлаб чиқариш ва аҳоли турмуш тарзи, турли ҳудудлардаги аънава ва қадриятлар, миллий қўл меҳнати намуналари ва ўзбек миллий таомлари акс эттирилган.

— Уюшманинг Андижон вилоят бўлими ташаббуси билан ўтказилаётган мазкур фотокўргазмани анчадан буён ўтказилишини орзу қилар эдим. Кўргазма ўтказиш мен учун катта муаммо эди. Бўлим раҳбариятига шундай хайрли ишни бошлагани учун ташаккур билдираман, — деди фахрий фотомухбир Тўраҳон Ғофуров. — Ҳозирги даврда газета ва интернет сайтлари бир-бири билан рақобат қилаётгани ҳаммага қундай равшан. Шундай экан, ҳар иккисининг фотожурналистлари устозларидан кучли сабоқ олиб, бир-бирлари билан фикрлар алмашиб туриши керак. 30 йиллик тажрибамдан келиб чиқиб, ёш фотомухбирларга зарурий тавсиялар ва кўрсатмалар берганимдан мамнунман.

Кўргазмада 8 нафар фотожурналист иштирок эттишти ва ўз ижод намуналарини тақдим этиш билан бир қаторда фотосуратларнинг тарихини сўзлаб беришди.

— Ушбу фотокўргазмани уюштиришдан асосий мақсад Янги Ўзбекистонда, хусусан, Андижон вилоятида Президентимиз ташаббуслари билан олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларни аҳолига, жумладан, ёшларга катта форматларда кўрсатиш кўзда тутилган. Шунингдек, ҳудуддаги ҳар қандай ўзгариш ва янгилар-

нишларни одамларга билдириш, бу ерда туғилиб ўсган ҳар бир инсон ўз вилоятининг кеча ва бугунини билиши орқали тинчлик ва осуда юртин қадрлаш, уларнинг қалбига шукроналик ҳиссини уйғотиш тadbirkorлик мақсадларидан бири саналади, — деди Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Андижон вилояти бўлими раиси Махмурохан Артикаева.

Муҳими, мазкур кўргазмадаги ижодий ишлар қизиқувчиларнинг эътиборидан четда қолмади. Кўпчилик ўзларини қизиқтирган суратлар бўйича муаллифларга мурожаат қилишиб, керакли жавобларни олишди.

ЭҲ, ГУЖУМЛАР, ГУЖУМЛАР...

Урганч шаҳрининг "Кечки ярмарка" деб аталадиган ҳудудидан юриб бораверсангиз, йўлақлар четига ўтказилган гужум дарахтларини кўриб қувонасиз. Аммо бу дарахтларнинг қаровсиз, парваришсиз, эътиборсиз қолаётганлигидан ўқинасиз...

Бу ҳудуддаги бўйи 5-6 метр келадиган гужумлар узокдан жуда чиroyли кўринади. Яқинига бориб қарасангиз, дарахтларнинг япроқлари сарғайиб, қовчираб қолганини кўрасиз. Япроқлари илма-тешки бўлиб қолаётган гужумлар тақдирига нега бефарқсиз?

Яшилликни асраб қолайлик!
Йиғлаётган дарахтларнинг уволи тутмасин!

Феруза ТАНҒРИБЕРГАНОВА

ОЛТИ ОЙЛИК САРҲИСОБ

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Навоий вилояти бўлими ҳамда Навоий вилоят Суди ҳамкорлигида вилоят судлари томонидан жорий йилнинг 6 ойи давомида амалга оширилган ишлар юзасидан матбуот анжумани ташкил этилди.

Унда суд идоралари масъул раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Анжумани Навоий вилоят Суди раиси Абдулло Аллаев олиб борди ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида вилоятда судлар томонидан қонунчилик асосида амалга оши-

риллаётган ишлар тўғрисида атрофлича маълумот берди.

— Вилоят суд идоралари томонидан кўрилган ишлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан фуқаролик ишлари 1235 тага ёки 15,9 фоизга камайган, — деди вилоят Суди жамоатчилиги ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бўлими бош консултантлари Сардор Икромов. — Одил судловни амалга ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида видеоконференция алоқаси имкониятлари йўлга қўйилганлигини ҳам

алоҳида таъкидлаш лозим.

Шунингдек, тadbirkorлик судларда қонун тарғиботи билан боғлиқ суд таъсирчанлигини оширишга қаратилган фаолиятлар ва фуқароларнинг мурожаатлари бўйича белгиланган қонун талаблари хусусида ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

Анжуман сўнгида оммавий ахборот воситалари вакиллари қизиқтирган саволларга соҳа масъуллари атрофлича жавоб бердилар.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси
Ахборот хизмати.

АФСУС

У қўл берди. Қўл бериш лафз. Иш худди хамирдан қил суғургандай силлиқ битди. Оғзига сиққанини айтган эди, улар дарров рози бўлишди. "Хўп, ака, айтганингизни вақтида етказамиз", деб қўлларини кўксига қўйишди. У бундай ишларга устаси фаранг эди. Мижозининг кўзига тик қаради. Ҳеч қандай бегона аломат йўқ. Демак, ҳаммаси жойида. Аммо уларнинг пул устида тортишмагани, айтганига дарров кўнгани унда шубҳа уйғотди. "Бир балоси бўлмаса, шудгорда қўйруқ на қилур... Бирор режаси бормикан? Ушлаб беришса-я! У кунимдан бу куним баттар бўлмасин тагин".

Шу хаёллар унга тинчлик бермасди. Егани танасига ботмасди. Бир кўнглига шубҳа оралаб, қилган ишига пушаймон бўларди. Бир: "Улар ўзимиздан-ку, ишончли одамлар", деб келадиган мўмай "қўки"ни нималарга ишлатиш ҳақида ширин хаёл сурарди. Шунда телефонига хабар келди: "Фалон идора раҳбари фалон доллар билан қўлга тушибди..." Юраги шув этди. Ширин хаёллари устига қўра булутлар бостириб келди. Тундлашди. Бир гап кам, икки гап кўп. У нолий бошлади: "Замон ўзгарди, енг ичидаги ишлар тобора ошкор бўла бошлади, хуфиёна иш битириб бўлмай қолди, бу кетишда, бир нарса олиб ҳам бўлмайди, бериб ҳам бўлмайди. Аммо йўлини топса бўлади, йўли кўп. Улар шохида юрса, биз баргида юрамиз".

У қўрқинчли тушдан чўчиб уйғонди. Хотини унинг бир аҳволда ўтирганни кўриб, кўрқиб кетди.

— Дадаси, сизга нима бўлди, тобингиз қочдими? Намунча хомушсиз? Ёки ёмон туш кўрдингизми?

— Ҳа, ёмон туш кўрдим, — деди у сир-бой бермай.

— Айтинг, айтинг, нимани кўрдингиз?

— Шу устимга қўра қўланка бостириб келди, — деди бошини сарак-сарак қилиб. — У чирмовуқдай мени ўрай бошлади. Бақрай десам, овозим чиқмайди. Қўлим, оёғимни шундай ўра-



ган эдики, қимир эта олмасдим. Юзим ва кўзимга парда тутилган. Одамлар менга: "Хей, садқаи одам кет-эй, элнинг юзини ерга қаратдинг", дейишди. Ҳамма мендан ҳазар қилди...
— Вой, шўрим, шунақа бўлдим? Дадаси, кўркманг, эркак кишининг туши тескари келади. Кўрасиз, қўнлингизга катта бойлик тушади. Жарак-жарак пул. Тушингизнинг таъбири шу. Ҳеч ҳам хавотирланманг.
Хотинига туш кўрса айтмасди, нега айтиди, ўзи ҳам билмайди. Агар ҳозир амалга оширилгани мўлжаллаб қўйган режаси тағида тузоқ бўлса, албатта, ўзи тасвирлаган туш ҳақиқатга айланади. Уни ўзи ҳам яхши билади. Буни қаранг, тушда аниқ кўрди-я! Балки ҳақиқатан ҳам уни шундай кўргилик кутиб турибдимикан? Кўнглига шундай шубҳа оралаган экан, ташлаш шун олдди-бердин! Тинчгина бориға барака қилиб яшайверса бўлмайди? Ўз меҳнати билан толган луқмаси ўзига етади-ку! Шундоқ ҳам у очкўзлик қилиб, фалон жойдан бир отахоннинг ерини тортиб олди. Бир тadbirkor қурган иншоотни бузишга қўйиб, кейин ўзиники қилди. Шахарда нечта дом олганининг саногий йўқ. Ҳатто қизининг бахтини ҳам пулга сотмоқчи бўлиб турибди. Қизи кўнгил қўйган йигитни яланг-

оёқ деб, бир бойнинг ўғлига бермоқчи бўлиб юрибди. Келаётган пулларга қаноат қилмай, бугун ўн бармогини оғзига тижмоқчи бўлиб турибди. Битта лойихага имзо қўйиш учун ақл бора қилмас "қўки"ни сўраб турибди. "Етар энди шунча ҳаромдан толганим, энди инсоф берсин менга" дегиси келмайди. Чунки пулнинг сеҳри бор, у жигардан бўлган дейишади.
Энг ёмони — виждон қийноғи. Одамни адоий тамом қилади. У шундай қийноққа маҳкум этилган. Икки ўт орасида жижганак бўлиб боради. Ҳаммасига қўл силтаб юборай деса, қила олмайди. Кўзи қиймайди. Ўзи келиб турган шунча пулдан воз кечсинми? Қандай қилиб, ахир? Бу мансабга эришиш учун нималар қилмади? Ору номус, виждон, дўст, қавму қариндошини сотди. Ўзиникини тўғри деб тураверди. Унинг юзига кимлар нима демади: "Ўзэс экансан, виждон йўқ экан сенда, пул учун виждонини сотган муттаҳам!". Бу гапларни эшитганида заҳарханда қулар, юзи қулгани билан ичидан зил кетар эди. Кейин ўзига таскин беради: "Ялангоёқ, ўзинг емасин, еганини кўра олмайсан".

Демак, у қилган ишдан пушаймон эмас. Бировни алдади, борни йўқ деди, йўқни бор деди,

ишқилиб, қандай бўлса-да, чўнтагини қаппайтирди-да! Чайнагани гўмон, ютгани ўзиники. Тўплаган бойликлари унга роҳат бахш этарди. Қанчадан-қанча одам унга эгилиб салом беради, туфлиси чангини артади. Егани олдида, емагани кетида. Шундай экан, нега икки ўт орасида юраги жижганак бўляпти? Кўнгли ниманидир сезаптки, шундай бўляпти. Нимадан кўради, уни қўллаб турадиган "акахон"лари бор-ку! Уларни ҳам "боқиб" юрибди-ку! Еган оғиз уялади-ку! Унинг қўлга тушиб қолишига йўл қўймас ахир!
У на китоб ўқиди, на бир театрга тушди. Юзлаб хорлик давлатларига борган, қўша-қўша автомобилларни дангиллама уйлари бор бу бойвачча ўз отаси ёки онаси қабрини қачон зиёрат қилганини эслай олмайди. Ўзи туғилиб ўсган қишлоғига бормаганига-ку анча бўлган. Икки синглиси кўнғироқ қилганида: "Ҳа, пул керакми?" деб жавоб беради. Пул эмас, меҳр керак, оқибат керак деса, у бу тўғуғу нима эканини ҳам билмайди. "Уша нарса ҳам пулга сотиладими?" дейди. Грузинларда бир қадаҳ сўзи бор: "Пулга сотиб олиб бўлмайдиган нарса учун ичайлик!" Бугун нимани пулга сотиб олиб бўлмайди? Ҳамма нарса сотилиб

кетдимми? Ҳеч нарса қолмадимми? У: "Ҳамма нарсани пул билан хал қилса бўлади", деб уйледи. Шу пайтгача кўп нарсани пул билан хал қилиб келди ҳам. Хўш, унда айтинг, нима қолди пулга сотиб олиб бўлмайдиган? Виждонми? У аллақачон виждонни пуллаб юборган. Меҳроқибатми? У ҳам ҳозир юм-юм йиғлаб турибди. Ориятми? Агар унда орият бўлса, ўз қизининг бахтини ҳам мол-дунё билан ўлчармиди?
Букрини гўр тўғрилайди, деган нақл тўғри экан. У ўзига келди. "Нимадан кўрқаман, уша мени ушлаб бермоқчи бўлганларнинг оғзини пул билан ёпаман, шунга шунчами, ҳозир кўнғироқ қилиб пулни олиб келингар дейман". У дадиллашди. Қўлоқларини ёйиб керишиди ва худди энди ширин уйқудан уйғонгандек кўнгли ёришди. Демак, ҳаёт давом этади, ҳаммаси рисоладагидек. "Ҳамма шотирлар менга ялтоқланади, этагини ўпади, соямга салом беради. Мен доим ғолибман. Ўзини ҳалол ва тўғрисуз деб юрган гадоиваччаларга йўл бўлсин! Улар китобини ўқиб юраверсин. Мен эса..."

Телефони устма-уст жиринглади. Олди. Айнан улар экан. "Уша гапми?" деди. "Ҳа, ҳаммаси рисоладагидек", дейишди улар. "Уйга олиб келинг", деди. "Хўп", дейишди улар. Хотинини чақирди.

— Дугоналаринг билан Дубайга уйнаб келмоқчиман, дегандингми? Бор, рухсат бераман. Ҳамма харажат мендан. Бир жияним ижарама-ижара юрибди, дегандингми? Айт, бўш турган уйимизга кўчиб киришсин, мендан ҳада!
— Дадаси, сизни сўраб келишибди...
— Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас, қўлимга кишан солманглар. Йўқ, йўқ, ундай қилманглар, оғзингизга сиққанини айтинг... мени-я, мени олиб кетасизларми? Онажон!!!

Кўз ўнгида юм-юм йиғлаётган онаси. Сингиллари ёдига тушди. "Улар сўраган нарса нима эди, оқибатмиди, меҳримиди?" — хаёллари чувалашиб кетди. Даргаза бўлиб, қовғидан қор ёғаётган отаси гавдаланди: "Пора олманг, охириг вай бўлади". "Пора олманглар, охири вай бўлади".

Фахриддин БОЗОРОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

ЖАРАЁН

БУГУНГИ АСАКА КЕЧАГИ АСАКА КЕЧАГИ АСАКА ЭМАС

ёки “Дўстлик” ордени соҳиби, туман ҳокими Насибулла МўМИНОВ билан бир кун

Бундан юз йилча муқаддам руслар таъқибдан қочиб, Саудия Арабистонида ўтиб кетган муҳожир билан асакалик ҳамюрти кўришганида “Асаканинг йўллари ўнландими?” деб сўраган экан. Яқин-яқинларгача ҳам журналист сифатида Асака тўғрисида ижобий фикр айтишга ўйланиб қолардим. Чунки ҳатто марказий кўчалари ҳам нотекис, тор ва тирбанд, бозорларида тартиб йўқ эди. Ободончиликда ҳам қолоқ бўлган.

Аммо бугунги Асака кечаги Асака эмас. Кўчалар кенгайди, равонлашди. Бозорлар тартибга тушди. Бир-бирдан шина янги уй-жойлар қурилди.

Аллақачон шундай бўлиши керак эди. Ахир Марказий Осиёда биринчи автомобиль заводи ҳам Асакада қурилган.

Хуш овози билан донги кетган раҳматли Шерали Жўраев ҳам асакалик эди.

Маҳаллий аҳолининг табиати ҳам ўзига хос. Ҳар бири бир олам. Керакли одам бўлсангиз, мулоза-



матни қойиллатишди. Зиёлилари жудаям ўткир. Топиб, кесиб гапиришди. Гоҳида сўхбатдошининг тили билан дили бирми-йўқми, ажрата олмай қолсан. Буюм – бор гап.

Роппа-роса бундан бир йил аввал Асака тумани ҳокими Насибулла Мўминов билан учрашиб, туманда жадал сўбатлар билан олиб борилаётган ишлар ҳақида ёзмоқчи бўлгандим. Ҳоким камтаринлик қилиб: “Худо хоҳласа, келгуси йили шу пайтга бориб бошлаган ишларимиз натижа бериб қолади, ўшанда ёзсангиз арзийди”, деганди. Фаришталар омин деган экан. Бир йил ўтиб, Насибулла Мўминов бошлиқ Асака тумани тўртлиги раҳбарлари ҳаётида унутилмас воқеа бўлди. Улар туб ислохотлар ва давлат дастурлари ижросини муваффақиятли амалга оширган, туманинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини юксалтириш борасидаги катта хизматлари ва “Ислохотлар штаби” фаолиятини самарали йўлга қўйгани учун Президентимиз Фармони билан нуфузли давлат мукофотларига сазовор бўлишди. Ўзларининг бой билим ва тажрибаси, ташкилотчилик ва ташаббускорлик қобилияти билан ҳудудлар инфраструктурасини такомиллаштириб, халқ манфаатларини рўёбга чиқаришгани, аҳоли тинчлиги ва фаровонлигини таъминлагани учун тақдирландилар.

Туман ҳокими Насибулла Мўминов “Дўстлик” ордени билан, туман прокурори Акмалжон Мирзақаримов, туман ички ишлар бўлими бошлиғи Шохруҳбек Назиров, туман солиқ инспекцияси бошлиғи Илҳомжон Раҳимов, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентини масъул ходими Фарҳод Набиевлар “Шухрат” медаллари билан тақдирландилар. Улар Ватан учун, миллат учун, халқ учун қилган фидокорона меҳнатлари туфайли Президентимиз назарига тушди.

Ўтган жума куни эрталаб Асака тумани ҳокимиятида бўлди. Ҳоким мурожаат билан келган фуқароларни қабул қилаётган экан, камина ҳам шу жараёнда иштирок этдим. Мурожаатчиларнинг муаммоларини тинглаб, жойида ҳал этиш учун ечим топиш ҳокимнинг эҳдий иқтидорига боғлиқ эканига ишонч ҳосил қилдим.

Туман ҳокимияти қаршисидан Шахрихонсой ўтади. Ёшлар сайилгоҳи бунёд этилибди. Қабулдан сўнг у ерда биз тadbиркор Ахориддин Отахонов фаолияти билан ҳам танишдик.

— Ўтган йили сойнинг у томонидаги савдо ва ов-

қатланиш шохобчаларимизда 13 киши ишларди, — деди у сой бўйига юзланиб. — Ҳокимимиз таклифи билан сойнинг бу қирғоғида янги замонавий овқатланиш ва савдо шохобчаларини очдим. Ҳозирги кунда қўшимча 57 нафар ёшга ишчи ўринлари яратилди. Энг катта янгилик: ҳокимимиз Насибулла ака ташаббуси билан сойга пиёдалар учун кўприк қурилди.

У билан туман марказий кўчасидаги эски уйлар ва ташқи кўришни бузиб турган айрим бинолар ўрнида қурилаётган кўп қаватли замонавий уй-жойлар билан танишдик. Бир пайтлар ёзишга уят ҳолатга келиб қолган ер ости йўли таъмирланиб, бир томонига дўконлар очилибди. Деҳқон бозорига қираверишдаги маданий манзара ҳам кишини қувонтиради. Бундан икки йил аввалги бозор билан бугунги бозор ер билан осмончалик фарқ қилади.

Туман марказидаги янгидан қурилаётган беш қаватли 55-мактаб биносини кўздан кечирдик. У ерда сўнги пардозлаш ишлари амалга оширилмоқда. Туман прокурори Акмалжон Мирзақаримов мактаб қурилишини назорат қилаётган экан. Ўттиз саккиз ёшли прокурорни давлат мукофоти билан табрикладим.

— Медалъ олганимга ҳаммадан ҳам кўпроқ дадам хурсанд бўлдилар, — деди у. — “Бир умр давлат ишларида мукофот олишни орзу қилиб ишлаганман, сenga насиб қилгани учун Президентимизга раҳмат!” деб таъсирланиб йўғлаб юбордилар. Дадам хурсанд бўлганлари учун ҳам бахтлиман.

Прокурор газета журналисти эканимни эшитиб, бир воқеани гапириб берди. Отаси ҳўжалик судида раҳбарлик лавозимларида ишлагани учун жуда кўп газета ўқир экан.

— Газеталарда бериладиган жиноят ва жазага оид мақолаларни ўқиб, прокурор бўлишни орзу қилганман, — деди у самимият билан менга юзланиб.

У ўрнидан туриб, хизмат автомашинаси юкхонасини очиб, менга юзланди. Ўзи ўқиган бир неча китоблар орасидан “Бобурнома”ни олиб кўрсатди.

— Сиз Хайриддин Султоновнинг “Бобурийнома”сини ҳам ўқимагансизми? — сўрадим ундан. — Агар ўқимаган бўлсангиз, ҳокимнинг фуқаролар қабулхонасида бор экан, кўрдим, олиб албатта ўқиб кўринг.

Очигини айтганда китоб, газета-журнал ўқишни ёқтирадиган одамлар тобора камайиб бораётган замонда, прокурорлар орасида ҳам шундай маърифатли инсонларни учратганимизда қувониб кетар экансиз. Туман прокурорига таклифим жуда маъқул тушди. “Сиз айтган адибни жуда яхши биламан, бир қанча китобларини ўқиган эдим. Аммо “Бобурийнома”ни ҳозирча ўқимаган эканман. Албатта, бу асарни ҳам тез кунларда ўқийман”, деди у.

Асакадаги қайта жиҳозланган марказий шифохонадаимиз. Тўғриси, бундан бир неча йил аввал шу шифохонага танишимни кўргани боргандим. Ўшанда Андижонда шунақа хароб қасалхона борлиғи жуда ачинадиган. Ўша уятли манзараларни таърифламай қўя қолай. Энди-чи? Пойтахтда ҳам кам учрайдиган, жаҳон андозаларидаги тиббиёт жиҳозлари билан таъминланган замонавий қасалхона ва беморларга яратилган шароитларни кўриб, ҳайратини яшира олмадим.



— Вилоят ҳокимимиз Шухрат Абдурахмонов марказий қасалхонаимизнинг қайтадан таъмирланиб жиҳозланишига ўзи бош-қош бўлди, — деди Насибулла Мўминов.

Инсулт хасталиғи оқибатларини бартараф этиш мақсадида даволанаётган мўсафид оқсоқол ётган палатага кирдик. Бемор шундай шароитлар яратиб бергани учун Президентимизни, ҳукуматимизни алқаб узок дуо қилди. Муқаддас ҳадисларда беморлар дуоси муштабоқ бўлади, дейилган. Биз ҳам дуога кўл очдик.

Туман ҳокими Насибулла Мўминов амалга оширишни режалаштираётган ишлари ҳақида батафсил гапириб берди.

Асака — мамлакатимиздаги жадал комплекс ривожлантириш режалаштирилган туманлар қаторига қўшилди. Соғлиқни сақлаш, янги бошқарув тизимини ташкил қилиш, коррупция ва жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш бўйича ҳам намуна сифатида Асака тумани танланганлиги қувонарли.

Халқ қабулхонаси туман ҳокимлиги ёнидаги бинога қўчирилди. Ҳоким кўнлик иш фаолиятини эрталаб фуқароларнинг мурожаатларини тинглаш ва халқ қўли билан бошлаётди. Йил бошидан буён 1100 дан ортиқ мурожаатнинг 78 фоизи ижобий ҳал қилинди.

— Бандликни таъминлаш, камбағалликдан қўқариш, инвестиция ва экспорт ҳамда муҳит барқарорлигини таъминлаш учун ҳудудлар соҳаётини чу-

қурроқ ўрганиш зарур эди. Қўшимча имкониятлар ва захира манбаларни аниқлашдан бу вазифаларни тўлиқ бажара олмаيمиз, деди ҳоким.

Шу боис тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида “Ислохотлар штаби” фаолият бошлади. Қўшимча инвестиция ва экспорт ҳажминини ошириш мақсадида чет давлатлардаги элчилар билан телемост ўтказиш йўлга қўйилгани ибратга молик.

Ишчи гуруҳ билан биргаликда барча йўналишлар маҳаллабай хатловдан ўтказилди. Тумани уч йиллик ривожлантириш бўйича манзилли стратегия ишлаб чиқилди.

800 гектар адирлик қисмдан янги ер ўзлаштиришга киришилди.

Тadbиркор бўламан деган ва фаолиятини кенгайтироқчи бўлган талабдорлар иштирокида 155 та саноат, хизмат кўрсатиш, қишлоқ ҳўжалиги бўйича янги лойиҳаларни шакллантириб, амалга ошириш бошланди.

Туманда янги Ўзбекистон массиви қурилмоқда. Эски уйлар реновация қилинмоқда.

Маҳалла еттичилигини жалб қилган ҳолда, ишсиз фуқароларни автобусларда ишлаб чиқариш корхоналарига саёхатга олиб бориб, шу жойнинг ўзида бандлигини таъминлаш амалиёти жорий қилинди. Шу тўғрисида 1,5 миңдан ортиқ фуқаролар доимий иш ўринларига жойлаштирилди.

75 та маҳалла имкониятидан келиб чиқиб ижтисослаштирилмоқда. “Агростар” МЧЖ томонидан 5

гектар ер майдонида замонавий “яшил технологиялар” асосида иссиқхона ташкил этиш лойиҳаси локомотив сифатида белгилаб олинди. Уни аҳоли хонадонлари билан боғлаб, 11 та иссиқхонага ижтисослаштирилган маҳаллани йил якунигача 20 тага етказиш мақсад қилинди. Бу орқали яна 7 миң хонадон томоғрасидан 3-4 мартабадан ҳосил олиш имконияти яратилади.

70 млндолларлик “Sino International” металл конструкция, трансформатор, кара ишлаб чиқариш инвестиция лойиҳаси жалб қилинди.

Рақамлаштириш — давр талаби. Бозор, тиббиёт, таълим, иқтисодиёт ва барча соҳаларни рақамлаштириш такомиллаштирилмоқда. Натигада яширин иқтисодиётни камайтириш ҳисобида солиқ режасидан иккинчи чорак якуни бўйича 7,5 млрд сўм қўшимча тушум бўлди.

Шу йилнинг ўзида камбағаллик даражаси 3,4 фоизга туширилди. Тумани коррупция ва ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш мақсадида астойдил изланапмиз, — деди ҳоким.

Юқорида алоҳида таъкидланган ишлар, режаларни бежиз келтирмадик. Юртимизнинг ўзига хос гўшаси бўлмиш бугунги Асакадаги ўзгаришлардан сиз азиз муштарийларни қабулдор қилишни истайди. Албатта, Асака бориңг, кўрингиз ва дилингни кунансин.

Дилмурод ҚИРГИЗБОВ,
“Hurriyat” муҳбири.



1-6

Мазкур ҳаракатлар дастурда ушбу жиноятнинг олдини олиш, жабрдийдаларнинг ҳимояси, жиноятчиларни таъқиб этиш ва барча йўналишларда ҳамкорликни муштаҳамлаш бўйича чора-tadbirlar кўзда тутилган.

Бугунги кунда қўллаб халқаро ҳўжатларда назарда тутилган нормалар миллий қонунчилигимизга имплементация қилинган. Хорижий давлатлар билан уюшган жиноятчилик, шу жумладан, одам савдосига қарши курашиш бўйича ўттиздан ортиқ икки томонлама шартнома ва битимлар имзоланган.

Охириги йилларда Ўзбекистонда одам савдосига қарши курашиш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Жумладан, 2020 йилнинг 17 август куни Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни янги тахрирда қабул қилинган. Унинг асосий мақсади — одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.

Ушбу қонун асосида 2023 йил 21 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат таъминлигини кенг жорий этишга оид қўшимча чора-tadbirlar тўғрисида”ги Фармони билан Одам

ОДАМ САВДОСИ — ДАВР МУАММОСИ

савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича миллий комиссияси Олий Мажлиси Сенати раиси раҳбарлигида қайта ташкил этилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 февралдаги “Одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни миллий даражадаги қайта йўналтириш тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу тизим жабрланган шахсларни идентификация қилиш ва қайта йўналтириш тартибини белгилайди.

Одам савдоси жабрдийдаларига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш ва уларни ижтимоий реабилитация қилиш мақсадида, Тошкент шаҳрида Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш бўйича республика реабилитация маркази фаолият юритиб келмоқда.

Шунингдек, 2001 йилда ўз фаолиятини бошлаган Республика “Истиқболли авлод” ижтимоий ахборот маркази ҳам Ўзбекистондаги одам савдоси ва зўравонликнинг бошқа турларига қарши курашиш соҳасида етакчи ННТлардан бири ҳисоб-

ланади. Марказ томонидан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами, яъни одам савдоси жабрланувчилари ва жабрланувчига айланиш эҳтимоли бўлган ижтимоий заиф гуруҳга мансуб шахсларни қўллаб-қувватлашга қаратилган дастурлар ва лойиҳалар амалга оширилди. Марказ уч йўналишда фаолият олиб боради: одам савдоси ва бошқа турдаги зўравонликларга қарши курашиш ҳамда одам савдосидан жабрланганлар, ноқонуний мигрантлар ва аҳолининг заиф қатламларига ижтимоий-ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш, заиф гуруҳлар орасида одам иммантанқислиги вируси инфекциясининг тарқалишини камайтириш, мамлакатимизда кўнгилчилар ҳаракатини ривожлантириш.

Бугунги кунга қадар Одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси, Одам савдосига қарши кураш бўйича кўмита, ИИВ, Бош прокуратура, Ташқи ишлар вазирлиги, Давлат божхона кўмитаси, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш каби бир қатор вазирликлар билан ҳамкорликда аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ўртасида одам савдоси, ноқонуний миграция ва маиший зўравон-

ликнинг олдини олиш, қарши курашиш ва жабрланганларни ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш бўйича ҳамкорлик битимлари имзоланган. Ўтган давр мобайнида Ташқи ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда Бирлашган Араб Амирликлари, Туркия, Исроил, Таиланд, Россия Федерацияси ва Қозғистон Республикасидан одам савдоси жабрланувчиларини Ватанга қайтаришга кўмаклашилди.

Статистик маълумотларга кўра, 2024 йили Марказнинг ишонч телефонига 15 661 та кўнгиноқ келиб тушган бўлиб, шундан хорижий мамлакатлардан 426 нафар Ўзбекистон фуқароси ёрдам сўраган. Айни пайтда 159 нафар юрtdошимиз марказ ҳудудларининг саёй-ҳаракатлари билан юрtdимизга қайтарилган.

ИИВ ҳузурдаги Тергов департаментининг маълумотига кўра, 2025 йилнинг 5 ойлик ҳисоботлари бўйича одам савдоси билан боғлиқ жами 89 та мурожаат келиб тушган бўлиб (2024 йил шу даврда 69 бўлган), улардан 87 та ҳолат бўйича жиноят иши кўзгатирилган, 2 та ҳолат бўйича жиноят ишини кўзгатишдан рад қилиш ҳақидаги қарор қабул қилинган.

Ҳисобот даврида жами 86 нафар шахс жабрланганлиги (80 нафари аёллар, 6 нафари эркеклар, жумладан, 6 та воёга етмаган жабрланганлар), шунингдек, 21 нафар шахс республика ҳудудидан ташқаридан содир қилинган жиноятлар бўйича жабрланганлиги аниқланган.

30 июль — “Бутунжаҳон одам савдосига қарши кураш куни” муносабати билан 30 июндан 30 июлга қадар “30 кун ҳамкорликда одам савдосига қарши курашиш” кенг қўламли акцияси ўтказиб келинмоқда. Бундан кўзланган мақсад жамоатчилик, давлат органлари ва жамиятнинг ҳар бир аъзоси эътиборини одам савдоси муаммосига қаратиш ва ушбу жиноятдан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича ҳаракатларни мувофиқлаштиришдан иборат. Мазкур тadbир доирасида кенг қамровли ахборот-тарғибот ишлари олиб борилиб, видеороликлар метро, аэропорт, вокзал, автовокзалдаги автобус ва поезд мониторлари орқали намойиш этиб келинмоқда.

Амалга оширилаётган барча чоралардан кўзланган мақсад одам савдосининг олдини олиш, мазкур фаолият билан шуғулланувчи шахсларнинг

Албатта, ушбу жиноятга қарши курашиш барча фуқароларнинг бурчи ҳисобланади. Айниқса, аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот тadbirlарининг ва давра сўхбатларининг ўтказилиши соҳада амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини оширувчи омилдир. Зеро, ҳар бир ҳуқуқий демократик давлатда шахс, унинг ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатлари олий қадрият ҳисобланади. Унга дахл қилувчи ҳар қандай ҳаракат ва шахса нисбатан жавобгарликнинг муқаррарлиги таъминланиши лозим.

Соҳибжон Ю.ДАШЕВ,
ИИВ ҳузурдаги Тергов департаменти
Ахборот-таҳлил бўлими бошлиғи, полковник,
Адолат ФАЙЗИЕВА,
журналист.

МУШОҶАДА

XXI АСРДА — МЕДИАСАВОДХОНЛИК

"Бугунги кунда ёлгон ва асоссиз маълумотларни тарқатиш орқали одамларни алдаш, тўғри йўлдан чалғитиш ҳолатлари кўпайиб бораётгани аҳолининг медиасаводхонлигини оширишни олдимизга кенчиктириб бўлмайдиган вазифа қилиб қўймоқда. Ахборот майдонида юзага келаятган баҳсли тортишув ва муаммолар фақат ва фақат қону доирасида, ҳуқуқий меъёрлар негизида ҳал этилиши шарт". Шавкат МИРЗИЁЕВ.



Медиасаводхонлик ва медиатаълимнинг, айниқса, ҳозирги дунё миқёсида глобаллашув жараёнларининг кўчайиб, ахборот маконлари ва манбалари кўпаяётган бир даврдаги ўрни, аҳамияти ортиб бормоқда.

Медиасаводхонлик — жамиятдаги фуқаро сифатидаги масъулиятни ҳис қилган ҳолда фаол ва саводли бўлиш, медиаматнларни қабул қила олиш, яратиш, таҳлил эта олиш ва баҳолаш, замонавий медианинг ижтимоий-маданий ва сиёсий мазмунини тушуна олиш демакдир.

Хорижий олимнинг фикрига кўра, медиасаводхонлик ҳаракат бўлиб, унинг асосий вазифаси инсонларни аудиовизуал ва босма матнларнинг маданий аҳамиятини тушуниш, яратиш ва баҳолашга ундашдан иборат.

Медиасаводхонликнинг мақсади ҳар бир медианинг устуворликлари ва камчиликларини тушуниш ҳолда, улар томонидан тарқатилаётган ахборотни саралай билиш ва зарурини қабул қилиш кўникмаларини шакллантиришдир. Асосий вазифаси эса инсонлар томонидан истеъмол қилинадиган ҳар қандай ахборотнинг манипулятив кучини англаш ҳолда ундан чегараланишдир. Шунингдек, одамларга оммавий ахборот воситалари ҳамда фуқаролик журналистикаси ролинини тушунишга ёрдам беришдир.

Медиасаводхонлик XXI асрдаги кўникмалардан бири бўлиб, классик саводхонлик (асосий кўниш ва ёзиш қўбилишларидан рақамли ёки ахборот саводхонлигига ва натижада медиасаводхонлик ёки медиакомпетенцияга ўтадиган эволюция жараёнида пайдо бўлди.

Медиатаълим эса педагогик назария ва амалиётда ўзига хос, алоҳида билим соҳасининг бир қисми сифатида қараладиган замонавий оммавий ахборот воситаларини ўзлаштириш учун назарий ва амалий кўникмаларни ўргатишдир. Масалан, математика, физика ёки география каби бошқа билим соҳаларини ўқитишда оммавий ахборот воситаларидан ёрдамчи восита сифатида фойдаланишдан фарқ қилиши керак.

Медиатаълим бу — оммавий ахборот воситаларини ўрганиш ва ўргатиш жараёни, медиасаводхонлик эса талабалар томонидан олинган билим ва кўникмалар йиғиндиси, яъни бу жараённинг натижасидир.

Медиасаводхонлик Буюк Британия ва Австралияда гуманитар фанлар мажмуасида алоҳида фан сифатида утилмоқда. Финляндияда 1970 йилдан ўрта мактабларнинг, 1977 йилдан эса олий ўқув юрталарининг ўқув дастурларига киритилган эди. 1990 йилларда эса мамлакатда медиасаводхонлик медиатаълим тушунчаси билан алмаштирилди.

Медиатаълим компоненти мактаб дастурларига аввалга мустақил фан сифатида эмас, балки она тили, тарих, эстетик фанлар ва экология фанларига интеграция қилинган. 2021 йилда Финляндия "ёлгон хабарлар ва дезинформациянинг салбий таъсирига қарши туришда энг юқори салоҳиятга эга мамлакат" сифатида эътироф этилган.

Швецияда медиатаълим 1980 йилдан бошлаб таълим муассасаларида алоҳида фан сифатида ўқитила бошланган. Медиатаълимни жорий этишдан асосий мақсад, ёшларда оммавий ахборот воситаларининг хабарларини танқидий идорак этиш қобилиятини ривожлантириш, турли хил маълумотлар манбаларидан олинган хабарлар ҳақида ўз фикрини шакллантириш, шунингдек, томоша қилинган фильмлар ва теледастурлар ҳақида ўз фикрини билдириш қобилиятини шакллантириш бўлган. 2000 йилнинг кузидан бошлаб медиатаълим Швеция миллий ўқув дастурига расман киритилган.

1990 йилларда Россияда медиатаълимни илмий тадқиқ этишга уринишлар бўлиб, 2005 йили эса ЮНЕСКО ҳомийлигида "Медиатаълим" дарслиги яратилди ва Россияда кино-таълим ва медиапедагогика сайти ишга туширилди.

Медиасаводхонлик — оммавий ахборот

воситалари орқали узатилаётган ва қабул қилинаётган кундалик ахборотни саралаш кўникмаларини, турли ахборотларни қабул қилгандан кейин ҳам ҳар қандай вазиятда тўғри қарор қабул қилиш, ахборот қаредан, ким томонидан ва нима мақсадда узатиляпти, ўзида кимнинг манфаатларини акс эттиряпти деган тушунчаларни шакллантиришга хизмат қилади.

Оммавий ахборот воситалари ёшлар ҳаётидаги катта таъсирга эга кучдир. Музыка, телевизор, видео ўйинлар, журналлар ва бошқа оммавий ахборот воситалари дунёни қандай кўришимизга кучли таъсир кўрсатади, бу таъсир кўпинча болалик давридан бошланади.

Оммавий ахборот воситаларини истеъмолчилар танқидий таҳлил қила олишлари учун уларда медиасаводхонлик кўникмалари ва одатларини болаликдан ривожлантириш керак бўлади. Бу кўникмаларга оммавий ахборот воситаларига базавий даражада кириш, уни уяйган тушунчалар асосида танқидий таҳлил қилиш, шу таҳлил асосида баҳолаш ва ниҳоят, оммавий ахборот воситаларини ўзи ишлаб чиқариш кирди.

ЮНЕСКО ташкилоти томонидан XXI асрда медиатаълимни тарғиб қилиш маданий-маърифий ривожланишининг устувор йўналиши сифатида эътироф этилди ҳамда айнан шу йўл билан медиасаводхонликни ошириш мумкинлиги таъкидланди. ЮНЕСКО одамларнинг танқидий фикрлаш ва тўғри қарор қабул қилиш даражасини яхшилаш учун оммавий ахборот воситалари ва медиасаводхонликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлайди.

Бугунги кунда медиасаводхонлик бўйича бутун дунё мамлакатларида кенг тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилаётган. Ўз қадрият ва аъналарига эга бўлган Осиё мамлакатларида медиасаводхонлик ва унинг таълимга кириб келиши жараёни Фарб мам-

лакатлариникидан бироз фарқ қилади. Ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб Шарқий Осиёда медиасаводхонлик томон силжиш кузатилди. Сўнгги йилларда Осиёда медиасаводхонлик даражаси ўсиб бормоқда ва Осиё-Тинч океани минтақасида бир неча дастурлар ҳам амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистонда 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб 10-11-синф ўқувчиларининг "Тарбия" дарслигига "Медиасаводхонлик" бўлими киритилди. Республикаимизнинг ЎзЖОКУ, ТДШУ, ЎзМУ, ЎзДЖТУ, ҚДУ, СамДЧТИ, ЎзМУ каби олий таълим муассасаларининг журналистика факультетлари ва педагогик йўналишларида медиасаводхонлик дарслари ўтила бошланди.

Сўнгги йилларда ахборот оқимининг бир неча баробар тезлашиши, ижобий маълумотлар билан бир қаторда, салбий характердаги ахборотнинг кўпайиши медиа саводхонликка эга бўлиш заруратини янада оширди. Аънавий тарзда медиасаводхонлик шахсининг адабий асарларни таҳлил эта олиш ва сифатли матнларни яратишдан иборат бўлган. Инсон ўзига ахборотни ким ва нима мақсадда яратган, ушбу хабар мен учун заруриин, деган саволни бера олиши ва тўғри хулоса чиқариши, унга нисбатан танқидий ёндашиши лозим.

Айни пайтда медиа таълим асосларини ҳар бир таълим муассасаси ўқув дастурига киритиш, болаларга мактабга таълим жараёнида унинг асосларини интерактив, турли ўйинлар шаклида тушутириш, ўсиб келаётган авлод томонидан шиддатли ахборот оқимида зарурини танлаш ва унга танқидий ёндашган ҳолда баҳолай олиш имконини беради. Бу эса ўз навбатида ёшларнинг келажакдаги фуқаролик позицияси янада мустаҳкамланишига, жаҳонда юз бераётган воқеа-ҳодисаларни ҳолис баҳолаб, тўғри қарор қабул қила олишига асос бўлади.

"Интернет жаҳон ахборот тармоғида ёшлар ва вояга етмаганлар учун миллий контентни ривожлантириш, уларнинг ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш маданиятини ва зарарли ахборотдан ҳимоя қилиш долзарб аҳамиятга эга.

Президентимиз ахборот майдонини сифатли ва рақобатдош миллий контент билан тўлдирish масаласи ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб бораётгани айни вақтда, медиасаводхонликни ҳам кенг миқёсда йўлга қўйиш бугунги куннинг талаби! Оммавий ахборот воситалари орқали ёлгон ва асоссиз маълумотлар тарқатилишининг олдини олиш эса ҳар бир журналистнинг вийдон амридир.

Юсуф ХАМДАМОВ, филология фанлари доктори.

1-6

Бутун аҳолимиз ёлғасига газета-журнал, китоб мутулаа қилган пайтларда ёзувчи-шоирлар билан ижодий учрашувлар, маънавий-маърифий тадбирлар самараси ҳам шунга яраша бўларди. Аввало, тадбир ўтказилиши ҳақида эълон берилган, айтилган вақтдан илгарироқ катта-ю кичик ўзлари иштиёқ билан келишарди. Ҳеч ким бировни мажбурламасди, бирор кимса истар-истамас келмасди. Одамлар иштиёқ билан тўпланган давраларда шеърхонликлар, маънавий-маърифий тадбирлар шунга яраша юксак савияда ўтказиларди!

Афсуски, бугун интернет, мобиль телефонлар ўта оммалашиб кетаётган замонамизда газета-журнал, китоб мутулааси анчайин сулғашиб қолгани сир эмас. Хўш, бугун ҳар 100 та хонадондан нечасига кунда-кунора газета-журнал кириб борапти? 100 та хонадонни кўйинг, ҳар мингта хонадонда-чи, нечасида оилавий кутубхона бор? Қайси ота-она ўйил-қизилари олдида газета-журнал, китоб ўқиб намуна кўрсатапти? Минг афсуски, бу "огриқли" саволларга жўяли жавоб айтиш амридаҳол. Бироқ, ҳаёт-мамотимизга айланган бу саволларни ҳар бир оила бошлиғи ўзига ўзи бериб турмоғи зарур. Ана шунда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "агар жамият ҳаётининг танаси иқти-

МАЪНАВИЙ ЮКСАКЛИК ЧОРЛОВ

содиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавият" деган пурмаъно сўзлари моҳиятини теранроқ англаш мумкин. Бу эзу мақсадларга эришиш йўлида бугун Олмазор туманидаги 5 та олий таълим муассасаси, 35 та умумтаълим мактаби, 64 та маҳалла, 53 та давлат ва 29 та хусусий мактабга таълим муассасалари, 20 дан ортиқ турли ташкилотлар, 5000 га яқин ишлаб чиқариш корхоналарида вақти-вақти билан шу мавзуда суҳбатлар ўтказилмоқда. Бу муассасаларда фаолият кўрсатаётган қўшма бўлиб ҳам, аввало, ўз оиласида — ота-она! Таълим муассасаларида фаолият кўрсатилаётган ўқитувчилар ҳам, асосан, ота-оналар билан доимий алоқада. Улар билан юзма-юз суҳбатларда биз фарзандларимизни газета-журнал, китоб ўқишга ўргатиш, таъбир жоиз бўлса, мутулаага кўникма ҳосил қилиш учун энг аввало ота-оналарнинг ўзлари мутулаа бобида ўрнат қўрсатишлари лозим.

Туманимиздаги сўлим Сойбўйи соҳилида жойлашган Абдулла Қодирий ва Чўлпон номидаги иккита кутубхона ва ҳар бир таълим муассасаси ҳамда маҳаллапардаги нурухоналар ёш китобхоналарга мунтазир. Бу кутубхоналар китобхоналар билан гавжум бўлиши ота-оналарнинг, устозларнинг сай-ҳаракатларига боғлиқ. Очиғи, илмий маънавий қамолотга эришишда газета-журнал ва китоб мутулаасидан кучлироқ қудратга эга восита йўқ. Буюк боқалонимиз Мир Алишер Навоий таъбири билан айтганда, китоб беминнат устоз, билим ва маънавий юксалишга эришишнинг энг асосий манбаидир.

Интернет, телефондан бош қўтармаётган авлоднинг келажакга ҳавас қилиб бўлмайди. Одамларнинг акли-хушини эгаллаб, охир-охиб тузатиб бўлмас дарду балоларга грифтор қилади ана шу телефон деганлари. Бу мутаҳассиларнинг хулосаси. Интернет воситаларидан керағида ва ўз ўрнида фойдаланишни қачон ўрганамиз?

Шундай экан, кен бўлмасидан маънавий сарҳамма манбалари бўлган, бугун кимлардир "нимага керак, замони ўтди" даяётган бўлишса-да, неча асрлар давомида одамларга фақат яхшилик, эзуғил улашувчи манбалар — китоб, газета-журналлар мутулаасига қайтилмас, кейин кеч бўлиши мумкин. "Сўнги пушаймон, ўзинга душман" деганларини рост бўлмасин!

Ахир бугун газета-журнал, китоб ўқийман, деган одамга ҳамма имкониятлар мавжуд. Кутубхоналарда иккита алифбодда чоп этилаётган нашрлар кам эмас! Шу билан бир қаторда ижтимоий тармоқлар орқали қанчадан-қанча аудиокинолар тақдим этилмоқда. Энг муҳим, бугунги ёш авлодда ана шу нашрларга ва асарларга иштиёқ ўйотиб боришимиз зарур.

Музаам А.ЛИБОЕВА, Республика Маънавият ва маърифат маркази Тошкент шаҳар Олмазор туман бўлинмаси раҳбари, Маънавият фидойиси.

ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРДА

Мактабгача таълим тизимида

Охириги пайтлар мактабгача таълим тизимида сезиларли ишлар амалга оширилди. Жумладан, собиқ вазир Хилола Умарова даврида мактабгача таълим тизимида ота-оналар учун кенг имкониятлар ишлаб чиқилди. Унинг даврида аёлларнинг ишлашига алоҳида эътибор қаратилиб, фарзанди 3 ёшга тўлмаган ота-оналар учун қўшимча тўлов ваэизга боғчага чиғиш шариоти йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, жорий йилга келиб боғча қамрови кўрсаткичи 77 фоизга етди. Бу соҳадаги ишлар самарасининг ёрқин кўрсаткичи. Янги давлат ва хусусий боғчаларнинг очилиши минглаб аёлларни иш билан таъминлади, натижада аёллар бандлиги 12 фоизга ошди.



Болалар соғлигини таъминлаш мақсадида овқатланиш соҳасига ҳам эътибор кучайди: мавсумий ягона меню тизими жорий этилди;

барча овқатланиш хизматлари шаф-фоз тендер орқали аутсорсинг асосида танланмоқда; "ISUDO" ахборот тизими орқали озиқ-овқат сифати назорат қилина бошланди; шакар ва туз миқдори камайтирилиб, йодланган туз, сабзавот ва тоғалли маҳсулотлар асосида соғлом рецептлар ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари, болани ривожлантириш картаси ва электрон сертификатлар тизими жорий этилмоқда.


Жамоатчиликни хурсанд қилган яна бир жиҳатлардан бири — бу собиқ вазир фаолияти давомида ижтимоий тармоқлардаги ҳар қандай салбий ҳолатларга вақтида ечим топиб, бартараф қилишга ҳаракат қилди. Хуллас, мактабгача таълим тизими охириги йиллар ўз изига тушмоқда.

Қўшиқ тармокдан ўчирилди

Адлия вазирлиги 2 млрд сўм сарфланган "Овоз" лойиҳасини пағиатда айблади.

Адлия вазирлиги Маданият вазирлигининг 2 миллиард сўмлик лойиҳасини муаллифлик ҳуқуқини бузганлиги учун оғохлантирган.

Ўзбекистон Республикаси Муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш жамиятининг марҳум Шерали Жўраев муаллифлигидаги "Қора кўзли санамжон" асари ҳуқуқ эгаси ёки бошқа ваколатли шахсларнинг рухсатисиз "TALENT SHOW" МЧЖнинг "Овоз" лойиҳасида оммалаштирилгани юзасидан қонуний чора кўриш тўғрисидаги мурожаатни кўриб чиқди.



Шерали Жўраевнинг муаллифлигидаги "Қора кўзли санамжон" асари "TALENT SHOW" МЧЖ томонидан ҳуқуқ эгаси ёки бошқа ваколатли шахсларнинг рухсатисиз "YouTube" ижтимоий тармоғининг "The voice of Uzbekistan" орқали кенг оммага тарқатилгани муаллифлик ҳуқуқи бузилиши сифатида қабул қилинди.

Текширув ўтказилгунга қадар қўшиқ тармокдан ўчирилгани сабабли вазият оғохлантириш билан чекланган.

Манба: @platformauz

ИМКОНИЯТ

ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ ТАЯНЧИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2024 йил 26 августдаги "Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармониди ижтимоий фойдаланиш дастурлар самарадорлигини оширишга шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилган.

Давлат ва жамият ҳаётида фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини янада ошириш, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий ва гуманитар соҳаларни ривожлантириш бугун долзарб аҳамиятга эга. Жамият манфаатлари ва аҳолининг ҳақиқий эҳтиёжларини қўзаган, жойларда сақланиб қолаётган долзарб муаммоларни ҳал этишга қаратилган ташаббусларни рўёбга чиқаришда нодавлат нотижорат ташкилотлар салоҳиятидан фойдаланиш зарур. Фуқаролик жамияти институтлари томонидан давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини ривожлантиришга кўмаклашиш йўлида ташаббуслар жамоатчилик назорати ўрнатилган ҳам устувор вазифалардан биридир.

Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ижтимоий буюртма бериш бўйича танловлар ташкил этилаётгани, танловлар устувор равишда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, коррупцияга муросасиз муҳитни шакллантириш ҳамда таълим, тиббиёт, экология, қурилиш, транспорт, коммунал хўжалиги, бандлик, ижтимоий хизматлар кўрсатиш ва бошқа соҳаларнинг энг долзарб муаммолари ечимига қаратилаётгани эътиборга молик.

Фуқаролик жамияти институтларига ташаббусли лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат ижтимоий буюртмасини олиш тўғрисида манфаатдор давлат органига тақдим қилиш ҳуқуқи берилди. Ташаббусли лойиҳа давлат органи хузуридаги жамоатчилик кенгаши томонидан ижобий баҳоланган тақдирда, унинг ташаббускорига давлат органининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг минг бараваригача миқдорда тўғридан-тўғри шартнома тузиш йўли билан ижтимоий буюртма берилиши мумкин.

Ҳар йили декабрь ойининг биринчи ҳафтаида "Фуқаролик жамияти ҳафталиги"ни ўтказиб бориш, унинг доирасида



Олий Мажлис, Адлия вазирлигида нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари билан учрашув ва мулоқот ўтказиш, фуқаролик жамияти институтларини рағбатлантириш бўйича тадбирлар ташкил этиш, шу жумладан, "Фуқаролик жамиятининг ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун" кўрак нишони билан тақдирлаш тақдирининг маъқулланиши, ҳар икки йилда Фонд томонидан тақдирланадиган "Фуқаролик ташаббуси" миллий мукофотининг таъсис этилиши қувонарли ҳолдир. Булар, табиийки, жамият тараққиётига таянч ҳисобланган ННТларни янада кўпроқ ва юксак масъулият билан ишлашга руҳлантирмоқда.

Ўтган давр мубойнида қатор ибратли ишлар қилинаётганига ғувоҳ бўлялмиш. Президент Фармонига мувофиқ, журналистлар ўртасида ҳар йили аънавий ўтказиб келинаётган "Олтин қалам" миллий мукофоти учун халқаро танловда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ёритиш йўналишида номинация ташкил этилганидан беҳад мамнунмиш. Бу йилги касб байрамимизда илк бор мақзур йўналиш голиби бўлган журналистлар тақдирланди.

Жамоат фондида танлов иштирокчиларининг ҳужжатларини электрон платформага юклаш орқали қабул қилиш бошланганлиги айни муддао бўлди. Муқаддам ариза почта орқали юборилар, унинг етиб борган-бормаганлигидан беҳабар қолар-

диқ. Ҳафталаб, ойлаб кутардик якунини. Эндиликда уша кунийёқ қабул қилинаётгани қувонарлидир. Танловда шафқатлилик янада кучайиши унда иштирок этивчиларнинг имкониятлари тағин ҳам кенгайишида муҳим аҳамият касб эътиборининг алоҳида таъкидлаш жоиз. Буни фондининг "Коррупция — жамият тараққиётининг куншандасидир" шиори остида тарғибот ишларини олиб бериш йўналишида "Коррупция — тараққиётга таҳдид, умрга завол" лойиҳаси билан қатнашиб, грант голиби бўлганлигимиз мисолида яққол кўриш мумкин.

Ғолибликка эришган "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Наманган вилоят бўлими, Ўзбекистон ноғиронлар жамияти Янгиқўрғон туман бўлинмаси, Равидон, Хуррият, Боғ ва Қирғизқўрғон фуқароларининг ўзини ўзи бошқариш органлари, "Қалб меҳри" аёллар ва уларнинг оилаларини ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш нодавлат нотижорат ташкилоти лойиҳа раҳбарларининг мақсад-интилошлари бизга ҳамоҳанг.

Олий Мажлис хузуридаги Жамоат фонди ва фондининг Наманган вилояти бўлинмаси томонидан эълон қилинган давлат грантлари танлови голибларига сертификатлар топшириш бўйича ўтказилган тақдимот маросимида Жамоат фонди ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига кўрсатилаётган катта эътибор учун Президентимизга миннатдорчилик изҳор этилди.

Дарвоқе, тахририят муқаддам "Давлат ижтимоий дастурларининг амалга оширилиши, демократик ислохотларни қўқурлаштириш ва фуқаролик жамиятининг шакллантириш жараёнларини мустақил ОАВда ёритишга қаратилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш" йўналиши бўйича тайёрланган "Аждодлар жасорати — авлодларга мерос", "Жамиятда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва аҳоли соғлигини мустаҳкамлашда фуқаролик жамияти институтларининг фаолиятини ошириш" мавзусидаги "Аҳолининг экологик ва тиббий маданиятини юксалтириш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда ОАВ ролинини ошириш" номинацияси бўйича тайёрланган "Соғлом турмуш тарзи — бахтли яшашмоқ фарзи" деб номланган лойиҳасини ҳам туман ҳуқуқни муҳофазаси қилиш идоралари ҳамда кенг жамоатчилик иштирокчида тўлақонли баҳарли учун барча имкониятлар ишга солиниши табиий.

Ижтимоий тармоқларда Олий Мажлис хузуридаги Жамоат фондининг расмий канали бор. Бугун вилоятда нафақат бундай канал, балки грант танлови голиблари учун ҳам махсус телеграм гуруҳи фаолият юритмоқда. Бу орқали ўзаро таъриба ҳам алмашиб бораёلمизки, кўпчиликка маъқул келмоқда. Қолаверса, пойтахтдан туриб, соҳа раҳбар ва етуқ мутахассислари томонидан голиблар учун "Зоом" йилгилиги ўтказилгани барчамизга манфаатли бўлди.

Муҳтасар қилиб айтганда, мақзур ҳуқуқий меъёрий ҳужжат билан фуқаролик жамияти институтлари зиммасига яна бир қатор вазифалар юклатилиб, имтиёзлар ҳам берилдики, улар Янги Ўзбекистонимизнинг ҳар тарафлама тараққиётини таъминлаш ҳамда ижтимоий тарққиётга қўшадиган ҳиссасини янада кенгайтириш борасида яна бир имконият бўлиб хизмат қилади.

Қосимжон АКБАРОВ, Мингбулоқ тумани ҳокимлигининг "Мингбулоқ" газетаси муҳаррири, грант лойиҳаси раҳбари.

ЎЙЛАБ КЎРИНГ

НАСЛИНГИЗНИ ХАТАРГА

ҚЎЙМАНГ!

ёхуд ҳаммасига “памперс” сабабчиси?

Ҳақиқий инсон фарзандлари неваралари истиқболи ҳақида ўйлаши билан бир қаторда, Ватани ва она халқининг бугуни ва келажига тўғрисида ҳам тавақкур юрилади. Мавзу нечоғли долзарб бўлса, шунчалик нозик ҳамдир. Инсон насл қолдириши учун, албатта, икки жинс жуфтлиги тақозо этилади. Никоҳ билан мустақамланадиган оила жуфтлиги миллатнинг сақланиб қолиши учун ҳаётий заруриятдир. Шу боис ушбу қадриятни асраш ота-оналарнинг, бугунги авлоднинг зиммасидаги муқаддас бурч. Фарзанд тарбиясига пушт ва ҳомила пайдо бўлишдан аввалроқ киришиш зарур. “Академнашр”да чоп этилган “Олам мўъжизаси остонасида” номли китобида бу ҳақда батафсил фикр юритилган.

Келажак насл баркамол, ақли расо ва ижтимоий турмушнинг тўлақонли, бақувват вакиллари бўлмоғи учун ҳар икки жинс вакиллари масъулиятни тўлиқ ҳис этиши лозим. Бунда, айниқса, оналарнинг масъулияти баланд.

Дунёга келган фарзанднинг бахтини узидан униб-ўсиб кетиши белгиланган. Минг афсусли, бугун фарзандсизлик фожияси кўпайиб бормоқда. Қуйидаги фикрларимизни баён этар эканмиз, уларни асло уят, ноқулай деб ҳисобламастлигинизни истардик. Зеро, тиббиёт, тиббий атамаларни тўғри талқин қилишимиз зарур.

Инсон жинсий организмидека икки хил ҳужайралар бўлиб, уларга турлича вазифалар юқлатилган. Биринчи “Шарко-Лейдиг” ҳужайралар тўғридан-тўғри эрлик хусусиятларини белгилوши тестостерон деб аталади. Ута муҳим гормонни синтез қилади, қонга чиқаради. Бу гормон мускулларни ривожлантиради, жинсий жиҳатдан етилтиради.

Иккинчиси, “Сертоли” ҳужайралари сперматозоидларни уруғ суюқлигига чиқаришди. Сперматозоидларнинг боши, танаси ва думи бўлиб, улар тирикдир. Яъни, улар ҳам ўйлайди, ҳаракатининг натижаси нима бўлишини билиб, ён тарафга ёки орқага эмас, боши ва танаси билан фақат олдга қараб ҳаракатланади. Тирик ҳужайра бўлгани учун унда руҳ мавжуд. Қандай шахс бўлишидан қатъи назар, унинг сперматозоидда эътиқоди ва ақлий қобилияти даражасини белгилувчи фаол ҳужайралар мавжуд бўлади. Бу сифатлар аксар ҳолларда унинг бўлажак фарзандига ўтади.

Тажриба сифатида бир қуту олиниб, у икки қисмга ажратилди. Уртасига шаффоф, кўринадиган мембрана ўрнатилиб, икки камерага ҳам бир хил тирик ҳужайралар жойлаштирилди. Биринчи камерадаги ҳужайралар катта дозадаги рентген билан нурлантирилди. Орадан уч кун ўтгач, бир хил шароит ва муҳитда овқатлантирилган икки камерадаги ҳужайраларнинг барчаси нобуд бўлди. Шундан сўнг тажриба усули ўзгартирилди. Уртадаги шаффоф мембрана ўрнига кўриб бўлмайдиган, яъни тўлқин ва информация ўтказмайдиган махсус мембрана қўйилди. Биринчи камерадаги ҳужайралар яна катта дозадаги рентген нурлари берилди. Орадан уч кун ўтгач, тажриба натижаси шундоқ бўлди: биринчи камерадагилар нобуд бўлди, иккинчисидаги ҳужайралар эса тугуп-тузук нафас оларди, яъни тирик эди. Нега шундай бўлди?

Дастлабки тажрибада биринчи камерадагиларнинг қийналиб, азоб билан нобуд бўлаётганини кўриб, бундай фожиа бизнинг ҳам бошимизга тушса керак, шундай кўргилик бор экан-да, деган ваҳимада иккинчи камерадаги ҳужайралар ҳам ўлган. Кейинги тажрибада эса иккинчи камерадаги ҳужайралар биринчи камерадагиларни кўради, информация ололмади. Хулоса шуки, инсон танасидаги ҳар бир ҳужайранинг ўзига яраша онги бор, ахборот узатиб, ахборот ола биллади. Ана энди тушунарли бўлса керак, ҳар битта сперматозоид аниқ онгли ҳаракат қилиб, тухумдон етиштирган овуляция таначаларига боради ва танлаб, унинг қучоғига қирмоқчи бўлади. Овуляция ҳужайраси шу сперматозоидни танлайдики ёки йўқми, буниси бизга қоронғи. Агар эътибор қилинса, турмуш қургандан кейин баъзан бир ёки икки ойдан кейин келиннинг бўйида бўлса, баъзан тўрт ёки беш йилда ҳам фарзанд кўрмаслиги мумкин. Аналиқ тухумдонда етилган овуляция ҳужайраси шу сперматозоидни танлайдики-йўқми, буни билиш қийин. Сперматозоид фолликулаларни топиб, боши билан унинг ташиқ қобилини ёриб қиради. Уларнинг бу ҳаракатини ҳозирги замондаги космосга учадиган ракетага қиёслаш мумкин. Космосга учирилган ракета ҳам белгиланган орбитага қиққач, энг охири, яъни унинг илгариланма ҳаракатини таъминловчи двигателни ташлаб, енгиллашади ва олға ҳаракатини давом эттиради. Сперматозоид ҳам фолликулага киргач, худди ракета каби думини танасидан тўлиқ ўзиб, ташқаридека қолдиради. Ана шундан кейин ҳужайралар учрашуви, тўқнашуви юз бериб, пушт ҳосил бўлиш жараёни бошланади. Кейин эса эмбрион ҳамда ҳомила вузудга келади. Бу жараён ниҳоятда мураккаб бўлиб, мен уни жуда содда тилда ифодалашга ҳаракат қилдим.

“Шарко-Лейдиг” ва “Сертоли” ҳужайралари зиммасидаги вазифани тўлиқ ва бекаму кўст бажаришлари учун уруғдон ичидека икки хил муҳит бўлиши шарт. Бу — аксиома. Биринчиси, ушбу ҳужайралар ташқаридан ҳеч қандай босимга учрамастлиги, яъни эмин-эркин яйраб жойлашмоғи зарур. Иккинчиси, уларнинг ичидека модда алмашинув жараёнлари белгиланганидек бўлмоғи учун ёрқоч ичидека ҳарорат фақат ва фақатгина 35,5 ёки энг кўпи билан 36,0 градусда бўлиши керак. Амалик бир ми-сол: бунга қўнчица оталар гувоҳ бўлишган. Агар бола билан тоққа бориб, совуқ бўлуқ сувидека чўмилишса, уруғдонлар худди йўқдек хоплатга тушади. Қўл билан пайаслаб ҳам топа олмай қоладилар. Сабаби, моятлар, яъни уруғдон ўзига керакли ҳароратни сақлаб қолиш учун ёрқочнинг мускуллари қисқариб, уруғдонни танага яқинлаштириб, танадан ўзига керакли ҳароратни олади ва 35,0 градус сақланиб қолади. Натижада юқорида ёзилган икки хил ҳужайраларда модда алмашинув жараёнига шикаст етмасдан давом этаверади. Мабодео атроф-муҳит 36,0 градусдан иссиқ ёки жазирама бўлганда эса уруғдонни ўраб турган тўқималар, айниқса, мускул ва уруғдон танадан узийиб, ортиқча ҳароратни ташқарига беради ва уруғдонга хос ҳарорат сақланиб қолади. Аспидека, ёрқоч уруғдон учун жуда муҳим кўрган. Узининг етти қаватдан иборат юмшоқ ва мускул тўқималари билан моятларни мустаҳкам ҳимоя қилади. Моятлар эса бунга катта эҳтиёж сезади. Шунга алоҳида таъкидлаш лозимки, уруғдонлар тиним билмай, кеча-ю кундуз ишлайди. Улар та-нафрга экинча нимакини билмайди.

КРИПТОРХИЗМ НИМА?

Ўтган асрнинг 70-йилларида ёки сал илгарироқ мамлакатимизга ПАМПЕРС деган мато кириб келди ва оналар томонидан олқишлаб қабул қилиниб, кенг миқёсда фойдаланила бошланди. Бу ўғил болалар учун айнан фожианинг бошланиш даври эди. “Э, доктор, ошириб юбормаёйсизми?” дейишнинг мумкин. Йўқ, заррача оширмадик. Ҳатто, нисбатан камроқ уруғ беряммиз. Ўғил болаларга памперс тақилса, уруғдонлар танага ёпишганча қолаверади. Памперс тақилса билан биз КРИПТОР-ХИЗМ деб атаган тугма касаллиқни мажбуран сунъий равишда пайдо қиламиз. Бу дардга учраган бола саккиз ойлик пайтидан жарроҳлик амалиёти орқали даволана-лиши керак. Агар бундан бош тортилса, шу бола улғай-гач, фарзандсизлик қисматиға учраши мумкин. Памперс олиб ташланса, худди жарроҳлик амалиёти қилингандек бўлади. Биринчидан, памперс тақилганда, болада моят аъзолари эркин ҳаракат қила олмайдди. Иккинчидан, бола аъзоларини озиклантирувчи артерия қон томирларида, айниқса, қилтомирларида, шу жумладан, нозик ҳужайра-ларида қонсизланиш кузатилади.

“Сертоли” ҳужайралари худди мия ҳужайралари каби кислород танқислигига жуда сезгир бўлади. Мабодео 3-4 дақиқа кислород келмаса, улар нижмонлашади. Ҳатто ўлади ёки қириб жараёнига учрайди. Бутунжаҳон Соғ-лиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, охириги ўн йилликларда ўғил болалардаги жинсий аъзолар, хусусан, тухуми, яъни моят аъзолари ўлчами аввалги йил-ларга нисбатан 5-10, ҳатто 20 мм.гача, ҳатто ундан ҳам кўпроқ кичиклашган. Худди шу ҳолат мамлакатимиз бола-ларида ҳам ўз тасдиғини топмоқда. Иккинчидан, тананинг ортиқча иссиқлиги моятнинг ички ҳароратини бузади. Оқи-батда сперматозоидларни ишлаб бевруччи “Сертоли” ҳу-жайраларининг маълум бир қисми, мейёрли структураси бузилгани сабабли, қувватсиз, нимжон, кам ҳаракатли бў-либ қолади. Бош ёки тана қисмида патологик ўзгаришлар пайдо бўлиб, унинг насл қолдириш қобилиятиға салбий таъсир этиши кузатилади. Учтинчидан, сперматозоидлар тирик экани ва кислород танқислигига ўта сезгирлиги боис унинг дезоксирибонуклеин ва рибонуклеин кислоталари ёхуд хромосомалари занжирининг бир бўғинида структу-равий бузилиш содир бўлади. Бу эса пушт ёки ҳомиланинг шаклланаётган қайсида бир аъсосида мейёрга хос бўл-маган ўзгариш ёки етишмовчиликка олиб келади. Натижа эса маълум: бундай болалар бирон-бир тугма нуқсон би-лан туғилиши эҳтимоли жуда катта.

НОРАСО ГЎДАКЛАР

Республика Перинатал маркази директори, профес-сор Бахтиёр Эргашевнинг кайд этишича, 2010 йил-ларда турки норасоликлар боис бир йилда 300 га яқин чақалоқлар жарроҳлик амалиётиға олинган бўлса, 2020 йилдан кейин бу кўрсаткич икки баробардан ош-ган. Энг аянчлисиси, ҳозирда бу норасоликларнинг оғир шакллари кўпроқ учраб, жуда мураккаб операция усул-ларини қўллашга тўғри келмоқда. Бунинг асосий са-баби ПАМПЕРСдан узлуқсиз фойдаланиш оқибатида бўлиши ҳақиқатга яқиндир.

Умумжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълум-отларига кўра, 1900 йиллар бошида бир миллилитр уруғ тарқибидека 500-600 миллион сперматозоиднинг бўлиши мейёрли ҳисобланган. Ҳозирга келиб бу кўр-саткич 100-150 миллион кўрсаткичда бўлса ҳам мейёр-ни ҳисобланмоқда. Мана сизга ПАМПЕРС тақинининг натижаси. Бизга бу синтетик тағликлари тақийш Ғар-бий Евроладан кириб келган бўлиб, уларда бу бизда-гидан-да анча аввал урф бўлган. Фарзандларимизга памперс тақийш билан биз болалардаги “Сертоли” ҳу-жайраларини эркин нафас ололмайдиган қафасга ти-қиб қўйдик. Натижада улар нимжон бўлиб қолди. 600 МИЛЛИОН сперматозоидни ишлаб уруғга чиқарадиган қувватдан маҳрум бўлиб. Бу ҳолат эса наслнинг соғли-ғига салбий таъсир кўрсатаёттир.

Тасаввур қилинг, тухумдон етилган аёллик жинсий фолликулалари уруғланиш учун интизорлик билан сперматозоид билан учрашувини кутмоқда. Агар учраш-маса, улар нобуд бўлади. Аёллик жинсий фолликула-лари учрашувга етиб келган сперматозоидлар ичидан энг соғлом ва бақувватини излайди. Агар бунинг иложи бўлмаса, умрини зое кетказмаслик учун нима қилсин бечора? Ишқилиб, ўлмасам бўлди-да, деб дармони қо-чиб қалтираётган, бошини эгиб, жовдираб, ялинганси-мон мўлтираб турган сперматозоидга ўз бағриддан жой беришга мажбур. Бошқа оломай йўқ ахир. У ҳам яшага интилади. Бироқ бундай бирлашувдан нимжон, чала, иммунитетни жуда паст пушт ва эмбрион юзага келади. Пушт ва эмбрион ўзини ўзи тиклай олмайдди. Оқибатда фарзанд норасолик билан туғилади. Англаясизми, бундай ноғирон фарзандлар дунёга келишида ОНА мутлақо айбдор эмас!

Памперсдан фойдаланиш, аслини олганда, данга-са оналарнинг иши, деб айтилса, тўғрироқ бўлар. Илгари момоларимиз ва оналаримиз памперс ўрнида жойлоқ (таглик)дан фойдаланган. Тўртбурчак шаклидаги 50-30 см.лик ўлчамли сури ёки чит матодан тайёрланган таг-лик ўғил боланинг пултари орасига ташлаб қўйилган. Натижада уруғдонлар эмин-эркин ривожланиб, ҳужай-ралар овоз ҳолда кислороддан тўйиниб нафас олган. Чунки қон айланиши мутлақо бузилмаган. Бола оёғини қимирлатганда, бурилганда, ёрқоч ичидека уруғдон-лар ўз жойидан кўзғалиб, олдга, орқага, чап ёки ўнг та-рафга эркин ҳаракат қилади. Ҳаракат эса — ҳаёт ман-бай.



ОТ МИНМАГАН ЭРКАКЛАР

Буюк ҳаким ибн Сино бобомизнинг “Тиб қонунлари” китобидека насл беши (простата) аденомаса ҳаталиги тўғ-рисида ёзилмаган. Нега? Агар ўша замонда ҳам бу дард ҳозирги пайтдагидек кўп учраганда эди, бу ҳол улуг ал-ломанинг назаридан четда қолмаган ва унинг тафсилот-лари билан ёритган бўлар эди. Ўша кезлари одамларнинг асосий улови от ва эшак бўлган. Уларни минган кишилар фаол ҳаракатда бўлган. Халқимизнинг машҳур мақолида “Қўш хотинлининг қулоғи, эшак минганин оёғи тинмас”, дейилгани бежиз эмас. Оёқ ён томонга ёки олд ва орқага силтанган пайти тос соҳасида қон айланиши яхшиланиб, уруғдонларнинг қон билан таъминланиши ҳам кучайган. От эса минилганда салчийди ва баъзан сақрайди. Бун-дай пайтларда одамнинг тос соҳаси эгардан кўтариллади ва яна пастга тушади. Оқибатда тос соҳасида қон айла-ниши янада кучаяди. Шоир Муҳаммад Юсуф айтганидек, “қайдан билсин от қадрин, от минмаган эркаклар”.

Олмония канцлерининг эътирофича, бу мамлакатда ёш ишчи кучи етишмаяпти. Асосий сабаб нима? Яна пам-перс муаммосига қайтамиз. Инсон организмидека Шарко-Лейдиг ҳужайралари мейёрдагидек ривожланмаса, тестостерон гормони танқислиги кузатилади. Айни шу гор-мон эр йигитларнинг жасуригини, қарама-қарши жинсга нисбатан майли қувватли бўлишини таъминлайди. Ма-бодео шу гормон етишмаса, эркак киши сўлган сабига ёки пишмаган ҳамирга ўхшаб яшаб юраверади. Унинг борлиги ҳам, йўқлиги ҳам билинмайди. Ўғлининг келгуси тақдирини ўйлаб, изтироб билан йилганга оналарни уч-ратганмисиз? Юрағи бўшроқ киши қўшқилиб йилганга та-йин. Агар сўзларимга ишонмасангиз, бизнинг қабули-мизга келинг ва ўғлининг дарди билан келаётган оналар ҳасратини бирга тинланг.

ОНАЛАР ИЗТИРОБИ

— Дўхтир, болам 15 ёшга кирди. Муомаласи, ўзгалар билан суҳбати, юриш-туриши, ўзини туттиши, кўп қилиқ-лари худди қизларникидек. Ҳеч ўзгартира олмаямиз. Ке-лажақда ким бўлади бу? Уйлана олармикан, дўхтиржон? Шунга бизга аниқлаб беринг, ёрдам қилинг! — дейди кўз-ларидека шашқатор ёш болан. Биринчи навбатда: “Памперс тақиб катта қилганмисиз?” — деган саволини берамиз. Она-лар ҳа, дея тасдиқлайдилар. Тушунарли, норасолик сабаб “Шарко-Лейдиг” ҳужайралари ўзига юқлатилган вазифани бажара олмамапти. Энди бу родаси узоқ вақт даволинишга ва психотерапияга муҳтож. Иродаси етишса-ку, майли. Лекин бу муолажа нечоғли ёрдам беради? Мана, Ғарб мамлакат-ларида жинсий ожизлик нима учун ҳайдан ташқари кўп? Нега улар уйланишга 30-35 ёшдан кейингина аранг кўч то-пишади? Мана, памперсга зўр беришининг оқибати.

Яна бир қаттис саволга жавоб берайлик. Ғарб давлат-ларининг айримларида бир жинсли никоҳга ружсат бериш-ган. Ҳатто геилар очикдан-очик намоиш ўтказмоқдалар. Табиийки, улар ўзларича жинсий алоқага ожиз. Негаки, памперс сабабли улардаги “Шарко-Лейдиг” ҳужайралари ўлган. Организмидека тестостерон гормони йўқ.

“Шарко-Лейдиг” ҳужайралари тестостерон гормонини етарли равишда синтез қила олмаётгани боис никоҳ тў-йибдан кейин ожизлик ҳолатлари кўпайиб қолганидан кў-зи билди бўлмайди. Эътибор бериш, шу сабабли Ғарб мам-лакатларида шахвоний нафсини, жинсий майлини кучай-тирувчи дориларни кашф этиб, амалиётда қўллаш авж олган. Машҳур фармацевтика компаниялари олимлари ушбу муаммо ечими устида кеча-ю кундуз ишламоқда-лар.

Ўтган аср аввалида етмишбўй, саксонбўй ва ҳатто тўқ-сонбўйлар ҳам кўп бўлган. Уларнинг ота-оналари ўзлари яшаган қишлоқ ва маҳалланинг фаҳри, маслаҳатгўйи, на-сиҳатгўйи ҳисобланган. Улар сабаб ўша ерда тартиб-ин-тизом ва орият юқори бўлган. Чунки уларнинг сўзларини ҳамма бирдай эшитган ва амал қилган. Етмишбўй-у сак-сонбўйлар туғилиши сабабларидан яна бири, эр йигитлар кенг шалвор кийгани боис ёрқоч ораликка эмин-эркин ҳа-ракат қилиб, уруғдонларда қон айланиши мейёрда бўл-ган, ҳатто аъло даражада кучайган. Шунинг учун уларда насл берининг каттариси ҳам кузатилмаган. Чунки ўша кезлари памперс ва ўта тор либослар кийилмаган. Нега ҳозирги кунга келиб, етмишбўй-у тўқсонбўйларни эсдан чиқардик, ҳатто қирқвойлар ҳам тобора камайиб бор-моқда? Инсоннинг ўзи ҳаракатини камайтиргани майли-я, ҳатто уруғдонларини ҳам тор бир каттака солиб, эркин ҳа-ракатини чеклаб қўймоқда. Ҳамма бало шундаки, пам-перс тақилганда уруғдонлар қон устига ёпиштириб қўй-лади. Ҳаракат имконияти мутлақо бўлмайди. Бу ҳам етма-гандай, ўлганин устига тепган, деганларидек, уруғдонга келаётган артерия ва вена қон-томирлари эгилиб-буки-либ қолади. Бу ҳолат узоқ вақт давом этади. Қонсизланиш кузатилади. Қоннинг димланиб қолишига сабаб бўлади. Одатда, ўғил болаларда 20 ёшда шахвоний нафс ўзининг энг юқори чўққисига етади. Боболаримиз: “Қирқ ёшга ет-ганинда 20 яшар ўғлинг бўлсин”, деб бежиз айтмаган. Пам-перс тақиб ўсганларда эса бундай нафас анча паст бўлиши амалиётда кўп кузатилмоқда.

Хулоса шуки, агар келажак авлод соғлом ва баркамол ўсишини, насллар давомийлиги барқарор бўлишини иста-сак, памперсдан бутунлай воз кечилмоғи зарур. Бола тар-бияси, унинг жисмонан бақувват, маънан етуқ бўлиши бо-расида мўътабар ота-боболаримиз, табарруқ оналаримиз ва момоларимиз тажрибаларига таяниш энг тўғри йўлдир.

Жуманазар БЕКНАЗАР,
тиббиёт фанлари доктори,
профессор.

ЎХОРИЖ

КИМГА МАЪҚУЛ, КИМГА НОМАЪҚУЛ – ЗАНГАЗУР

Боку билан Ереван ўртасида адоват тугади. Икки томон ҳам Вашингтонда бошқа уришмаслик бўйича ҳужжат имзолади. Озар-армани инқирозини тугатишда АҚШ бош воситачи мақомини олди, аввал у Кремлга оид эди.

Назаримизда, мазкур учрашувининг энг муҳим натижаси – Арманистон жанубий худудий қисмини Озарбайжоннинг Нахичевани билан боғловчи йўлнинг очилишидир. Унинг иқтисодий аҳа-ми ва ҳарбий аҳамияти ҳеч қачон Озарбайжон учун учинчи мамлакатлар орқали транзитсиз Нахичеван билан тўғридан-тўғри боғланиш бўлса, Арманистон учун эса халқаро транспорт тармоғига қўшилиб, ундан салмоқли дивиденд олишидир. Юқларни ташвиш харажати қисқаради, сарможа жозибдорлиги ошади.

Аммо қатор мамлакатлар мазкур

лаётган россиялик чегарачилар Аме-рика ҳимоясига ўтган “йўлак”нинг шун-дай яқинида.

Ташвишли хабар Грузиядан ҳам келди. Собиж давлат раҳбари Саакаш-вили маршрут ишга тушса, Тбилиси Шарқ ва Ғарб ўртасидаги муҳим транс-порт алоқаси мақомини йўқотади. “Асо-сий юк машиналари Грузия худудини четлаб ўтади”.

Таҳлилчиларнинг қайд этишича, Зан-газур йўлига айрим элита гуруҳлари душманлик қиляпти, Россия ва Эрон раҳбариятлари эмас. ЭИРда бу Озар-



лойиҳага норозилик билдиришмоқда. Олий раҳамонинг маслаҳатчиси Али Акбар Вилояти Эрон АҚШ назорати ости-да транспорт йўлағи очишга йўл кў-расилигини таъкидлади, шунингдек, уни “Трамплинг ёлланма аскарлари мазо-ри”га айлантиришга ваъда берди.

Расмий Техрон моланувчанликни намоиш этди. Президент Пезешкёни лойиҳанинг келишув жараёнида Эрон-нинг талаблари ҳисобга олиниши зару-рлигини таъкидлаб, умуман, йўлнинг ку-рилишига эътироз билдирмади.

Россия ҳозирча вақтинча муносабатда. Фаол сўзи Захарова Вашингтон шарт-номаларини ижобий баҳолаб, минта-қавий алоқаларни блоқдан чиқаришда Москванинг эътироз билдирмади.

Россия ҳозирча вақтинча муносабатда. Фаол сўзи Захарова Вашингтон шарт-номаларини ижобий баҳолаб, минта-қавий алоқаларни блоқдан чиқаришда Москванинг эътироз билдирмади.

Очиғи, Кремль ноқулай ҳолатда: Ар-манистон-Эрон чегарасини ҳимоя қи-

байжонга нисбатан жиддий норози ва Жанубий Кавказдаги ўзгаришларга қарши қайфиятдаги сиёсий “опий шахс-лар”дир. Россияда эса – Озарбайжон ва Туркия иттифоқининг қучайишини иста-майдианлар...

Минтақада ҳарбий компания бош-ланмаса керак. Москванинг Арманистон-да ҳарбий базаси ва чегарачилари хизматни давом эттиради. Боку билан иқтисодий алоқалари сақланади.

Трамплинг Путин билан муносабат-лари ёмон эмас, қолаверса, маршрутга унинг ном берилди.

Экспертлар янги Зангазур йўлининг қурилишига ташқи жиддий аралашув ку-тилмайди, фақат Арманистондаги ички сиёсий барқарорликка боғлиқ бўлиши мумкин, деган фикрда яқдиллар...

Аммо турли кўринишда провокация-лар уюштирилиши эҳтимоли бор...

Аброр ХОН,
халқаро шарҳловчи.

ҒАЗО БҮЙИЧА ЯНГИ ТАКЛИФ

Франция етакчиси Эммануэль Макрон БМТ шафелигидека Ғазо секторини бар-қарорлаштириш бўйича миссия бошлашни таклиф қилди, деб ёзди “FransPress” агентлиги.

— Франция Президенти устувор вазифаси “тер-роризмга қарши кураш, Ғазода барқарорликни таъ-минлаш, сектор аҳолисини қўллаб-қувватлаш ҳамда тинч ва барқарор ҳукумат ўрнатиш”дан иборат бўл-ган “БМТ мандати остидаги халқаро коалиция” ту-зиши таклиф қилмоқда, — дейилган агентлик Епи-сей саройига таяниб эълон қилган хабарда.

Шунингдек, мамлакат раҳбари Исроилнинг анк-лавдаги амалиётни кенгайтириш қарорини танқид қилиб, бу кадамни “эълон қилинган фалокат” ва “доимий уруш сари тез сақраш” деб атаган.



ЖАНУБИЙ КОРЕЯ АРМИЯСИ ҚИСҚАРДИ

Жанубий Корея мудоффа вазирлиги маълумотиға кўра, мамлакат Куролли кучлари шахсий таркиби сўнгги олти йилда 20 фоиз қисқариб, ҳозир 450 минг нафарни ташкил қилмоқда. Бунинг асосий сабаби туғилиш даражаси кескин па-сайиши билан боғлиқ: 2024 йил бу кўрсаткич атиги 0,75 нафар бўлиб, бу дунё-даги энг паст даража ҳисобланади.

Ушбу давлатда ҳарбий хизмат маж-бурий бўлиб қолмоқда, чунки мамлакат ядровий қуролланган Шимоллий Корея билан хануз техник жиҳатдан уруш ҳо-латини бошдан кечирмоқда. Тадиқотқа кўра, КХДРнинг 1,3 миллионлик армия-сига қарши мудоффа учун Корея Респу-бликасига камидека 500 минг аскар зарур.

Ҳозир ҳарбий бўлинима сони 2006 йил-даги 59 тадан 42 тага тушган. Шу би-лан бирга Сеул ҳарбий бюджетини ошир-моқда: 2025 йил учун мудоффа харажати 43 миллиард долларни ташкил этган. Бу Ши-моллий Корея ялли ички маҳсулотидан ҳам кўп деганидир.

ЭРОН ШАРТИНИ МАЪЛУМ ҚИЛДИ

Эрон ташқи ишлар вазири ўринбосари Мажид Тахт-Равончи АҚШ санкция-сини бекор қилиш эвазига Эрон маълум муддат ядровий дастурни чеклашга рози бўлиши мумкинлигини айтган. Бу ҳақда “Киодо” агентлиги вақир билан суҳбатдан сўнг хабар тарқатган.

— У уранни бойитиш даражасини па-сайтириш ниятини ҳам билдирди, — деб ёзган нашр.

Расмий Эрон АҚШ билан воситачилар орқали алоқани давом эттираётганини қўшимча қилса-да, музокарани тиклаш учун таклиф қилинган санани айтмаган.

Маълумки, Эрон ва АҚШ Умон восита-чилигидека Ислом Республикасининг ядро дастури бўйича билвосита музокаранинг беш даврасини ўтказди. Олтинчи муло-қот 15 июнь кунги бўлиб ўтиши керак эди, бироқ Техрон ва Тель-Авив ўртасидаги ҳар-бий можаро туфайли бекор қилинганди. Эрон ТИВ расмий вакили Исмоил Богий фик-рича, маслаҳатлашувининг янги давраси учун шароит ҳали пишиб етилмаган, деб ҳи-соблаётган Техрон ҳозирча Вашингтон билан музокара ўтказишни режалаштирмаган.



Бу Ши-моллий Корея ялли ички маҳсулотидан ҳам кўп деганидир.

МУТОЛАА

Усмон Азимнинг "Бахшиёна" туркуми ёдингизда бўлса, Алломиш Қалмоққа кетаётиб, Барчинга қараб шундай дейди:
*Оламда кўп эрур иборат,
Бир сўз бор – оғриқдан иборат.
У – Ватан! Барчиним, у – Ватан!
Боламга, "Ватан" де илк бора.*

Ушбу шеър ёзилганда туғилганлар бугун қирқдан ошди. Ёлгон лашкар тортиб, юртни, қалбларни забт этган бир даврда битилган бундай сатрлар зимистон кунгилларга чироқ эди гўё. Ёлгонни рост деб билган омма ҳақ сўзда хатар кўрарди ўша пайтларда. Йўқсиллар дохийсига алдов ёт, у киши фақат бир кунгина, азбаройи инқилоб учун ёлгон гапиришга мажбур бўлган, деган уйдирма салкам бир аср ақида бўлганини, эҳтимом, бугунги авлод билмас. Мусулмон одам ёлгончи бўлмайди, дейилади хадиси шарифларда. Таассуфки, ҳалқимиз бош-адоқ ёлгон сиёсатларни беҳад кўп кўрди, мунофиқликдан, сохта ақидалардан кўп жабр чеқди. Усмон Азим сифингани сароб бўлиб чиққанлар номидан шундай бонг урган эди:

*Мен чарчаб сенга суюндим, Ҳақиқат.
Соат бонг урмоқда,
Гапласайлик, кел.
Қўрма, ўтиб кетди бир кунлик даҳшат.
Буён иккинчи апрель,
Ҳақиқат,
Иккинчи апрель...*

Бу шеър рибкорликни шиир қилган сиёсат ва тузумнинг, ёлгон гоёнинг асл қиёфасини ўша вақтдаёқ кўрсатиб бергани билан қадрли. Утган асрнинг иккинчи ярмидаги адабиёт ҳақ сўзни айтишдай ўта қалтич, мураккаб ва зифани зиммасига олди, янги авлод рост туйғулар тараннумини гоҳ очик, гоҳ пинҳон қуйлай бошлади. Бу адабий авлоднинг энг катта орзуси шахслар жамиятини барпо этиш эди. Усмон Азим айтмоқчи, "Адабиёт шахснинг бутунлигини хуш кўради. Масалан, мунофиқ кимса ёзувчи сифатида ҳам шу тарзда қолади. Фейл-атворининг ноқислиги сабаб, бир қарашда истеъдодли кўринса ҳам, асл адабиётга дахли бўлмайди. Баъзан эса унга жиддий зарар ҳам етказилади. Тарих шохид: фақат тили ва дили бир зотларгина катта Адабиётни яратган. Алишер Навоий, Пушкин, Лев Толстой..."

Олов рўбарў турганнинг қорачиқларида ёнгани каби, юракдан отилиб чиққан учкун – мисралар ҳақиқатга ташна ўқувчилар қалбини ҳам ёқди. Оташин шеърят ҳақорат ва разолатга қарши курашда яловбардор бўлди. Рамзлар, тисмолларга бурканган, ҳалқ ва Ватан дардида битилган сўз шу қадар қудратли куч эдики, унинг мислсиз ҳарорати олдига Намруднинг Иброҳим қасдида қалаган гулхани ҳеч!

Яқин ўтмишимизни гофил элнинг эртаси ёрғ бўлмаслигига аққол далил дейиш мумкин. Мозийнинг яна бир сабоги шуки, тафаккур эмас, тақдирчиликни шараф деб билладиган, истеъмолчиликни фаровонлик белгиси деб тушунадиган омма учун энг катта рақиб – ФИКР. Адабиёт – жамият иммунитет. Иммунитет қанча кучли бўлса, омманинг тафаккур даражаси шунча юқори бўлади, ҳалқ ўзини англаб етади. Адабиёт деган сирли оламга дарз кетса, жамият ҳам таназзулга юз боради. Мустабид давр миллий тафаккурни уйғотишга чоғланган адабиёт фикр кунданасан саналмиш нафсоннинг майин, аммо мунофиқ қаршиликни истисно этмаслигини ҳам ўқитди. Уққан бўлсак, бош устига!

Усмон Азимнинг шўро даврида битган "Чумоли ҳайда нутқ" и худди ана ўша гофил, оғзи қалбини айтиш учун эмас, нафс учинигина яралган молимардумхўрлар ҳақида эди:

*Ўраб олди махлуқлар чиндан,
Бузиб орнинг чегарасини,
Ҳатто она Хуррият қилган
Васиятлар теғарасини.*

Қалби мудом ҳақ ва ҳалқ билан пайваста шоир бу шеърни хув ўша олис йилларда эмас, кунчи кеча ёзгандай туюлаверади. Ижодкор шахси миллий шахсияти билан пайваста бўлмас бекор.

Шоирнинг "Турди Фароғий" шеърда ҳам элни бирлаштиришга бел боғлаган, лекин орзуси ушалмай ўтган куюк кўнгли фарёди тасвирланган. Турди Фароғий "Бу элни, бу тупроқни улоқ қилиб чопишди" дея зорланади. "Битиктошлар орзуси" шеърда эса инқирозга юз тутган туркий олам фотиаси акс этади:
*Мен Усмон эмасман, Алптегинман – мен
Энасой бағрида тўлғонган гоғ, –
дейди шоир. Ватан озодлиги йўлида шахид кетган "Сарбадорлар қўшиги" ҳаёлни олис мазийга етаклайди. Усмон Азим "Иигирма бешинчи йил", "Қўрбошининг ўлими" шеърларида "Беражамиз жонни – беминнат! // Хўриқдаги она юрт учун..." дея ёвга кўксини қалқон қилган фидойиларни мадҳ этди. Аммо "Омад кетиб қолганин сезиб" хиёнат йўлига ўтганлар туйғайли ватанпарварлар маҳв бўлади. Пирвардада, "Нурсиз қисмат измига кирар // Душманларга топширилган юрт".*

Ватанин севиб, миллатпарварлик туйғуси шоирнинг драматик ва насрий асарларида ҳам аққол кўринади. Ўндан зиёд саҳна асарлари ёзиб қўйган сермаҳсул ижодкорлар бу борада ҳам рақобатчи йўқ. Усмон Азимдан кунига бир шеър ўқимаса ухлосмайдиغان мухлисларнинг драматургия ва наср шеърга сифмаган дард туйғайлиларини ёки шунчаки бир ишчибозлик, деган саволига муаллиф: "Шоирларнинг деярли ҳаммаси ҳам вақти келиб ёндош жанрларда ижод қилишга жазм этган. Навоий, Пушкин, Лермонтов, Лорка... Назаримда, бу ҳол ўзини тўлиқроқ ифода этиш иштиёқидан туғилса керак", дея жавоб берган эди.

Ҳақрост, давр адабиётида бўлгани каби миллий адабиётимизда ҳам назм ва насрда бирдай қалам сурган ижодкорлар кўп бўлади. Чўлпон, Ойбек, Фафур Гулом, Асқад Мухтор ҳар икки жаҳада гўзал намуналар яратган. Бу улғу зотлар шижоатига кейинги авлодлар ҳам ҳавасманд бўлди. Икки фронтда жанг қилишга чоғланган бугун ҳам унда-бунда кўри-

АДАБИЁТ – ЖАМИЯТ ИММУНИТЕТИ

Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим ижоди ҳақида ўйлар



ниб қолади. Аммо "ишқ бошқа, ҳавас бошқа" деганларидек, асарият қаламкашлар даъвоси "Ўз уйида кескан кесмаган, бировнинг уйида умоч увибди" мақолини ёдга соларди. Очирқоқ айтадиган бўлсак, наср ва драматургия ижодкордан катта ҳаётий тахриба ҳам талаб этади. Халқчил асар яратишининг энг муҳим шарт, бу – халқ руҳиятини англашдир. Миллатнинг руҳи ўз ижод маҳсули – дoston, эртақ, мақол ва маталларида мужассам. Халқ дostonлари – бу, назм ва наср уйғунлиги. Мана шу уйғун руҳда тарбия топган Усмон Азим роса қирқ ёшида – ижоди камолга етган бир пайтда насрда ёза бошлади. Илк туркум – "Севги", "Ғоз" ва "Бировнинг умри" ҳикоялари 1991 йил "Шарқ юлдузи" журналида Шукур Холмирозев сўзбоши билан эълон қилинади. Салкам ўттиз йил мобайнида шоирнинг ўндан зиёд ҳикояси эълон қилинди. "Алломиш"га ҳамоҳанг ва замон руҳини акс эттирган бу асарларни адабий жамоатчилик эътироф этди. "Яхши шоир яхши носир ҳам бўлиши мумкин", деган фикр каттакич давраларда айтила бошлади.

Усмон Азим шеърятда илҳом ва шиддатни қандай уйғунлаштирган бўлса, ҳикояларида ҳам бу ўзига хос завқ-шавқ аққол кўриниб туради. Шеър ва балладалардаги сюжетлилик, шоирона нигоҳ насрда ҳам ички оҳангни сақлашда жуда кўп келди. "Ғоз" ҳикояси мавзу ва йўналиш нуқтаи назаридан "Сиз билмайдиган замонларда", "Алломиш ва Қоражон" ҳикояларида давом эттирилди. "Сиз билмайдиган замонларда" ҳикояси қаҳрамони "Бахшиёна" туркуми билан ёзда танилган Эломон бахшидир. Лекин ҳикоя "Бахшиёна"нинг насрий табдили эмас. Усмон Азим асарга жуда порлоқ, улғувор, абдий гоёни сингдирган. Шоир Алломишнинг юртга қайтишини, салтанат соҳибининг яна Бойсун – Кўнғиротга эгалик қилишини чин диддан истади. Унинг бир ўкинчи бор:

*Бойчборсиз қолган элнинг
Ҳоли энди не кечар?..*

Аслида, бу гоё шоирнинг талай шеърларида ҳам акс этган. Ҳикоядаги драма ҳақиқатгўй, тўғрисиўз Ҳаққул бахши ва оққўнғил, салимий Эломон бахши ўртасида кечади. Ҳаққул бахши "Ростини айтмоқ – тарикат, отам ҳам, энам ҳам – ҳақиқат" дейди. Халқнинг кутгани, Эломон бахшининг тоғгани Алломиш эмас. У – Ёлгон. У – Сароб. Лекин у ўзини Алломиш деб танитишдан чарчамайди. Куйиб бор бўлган эл Ёлгоннинг эгидан тутайди. Уни тавоф қилади алл деб. "Юртга Алломиш қайтди!.." деган ўтирик ҳар ерда ўрмалайди. Ҳаққул бахшининг шубҳа-ғумонларига биров қайрилиб қарамайди. Дастаи узун, лашкари кўп Ёлгон Ҳаққул бахшини Ойнакўлнинг ёқасида бўғизлайди. Лекин тўғрисиўз бахшининг жонига қасд қилганлар топилмайди. Ёлгон салтанат қотилларни бўш қўяди...

"Севги" – ўзбек ҳикоячилигининг энг сара намуналаридан бири. Сарлавлани ўқиган ўқувчи ошқ-маъшуқларнинг беадад, чучмал хою ҳаваслари, узун-узун орзулари ва албатта, кўнгилхуш саҳналарни кўз олдига келтириб ва раққай бошлайди. Лекин теъза бунинг аксини – ўтган тузумнинг, унинг жозибали гоғларига инонган одамларнинг аянчли тақдирини кўради. Тақдирларки, унутилган, улоққан, бешафқат турмуш зарбалардан абгор бўлган...

Ҳикоя қаҳрамони Абдураҳмон Чағанада юрган оддий қишлоқ боласи эди. Болалар уйида тарбияланган йигит ҳақорат ва адолатсизликни кўтаролмайдиган, ҳақиқатпараст бўлиб ўсади. Аммо армия ҳаёти унинг тақдирини ўзгартириб

юборади. Ҳикоядаги Маша ва Салима образлари миллат аёлларининг севги-муҳаббатга, инсоний қадр-қимматга садоқати рамзи. Эҳтимол, миллий характер муаммоси ҳам мана шу образлар орқали намоён бўлганми? Маша учун севги кайф-сафо, тўкин ҳаёт, ашир-нашир дастурхон бўлса, Салима учун бир умрлик сир, қалбга кўмилган хазина, юракнинг бебаҳо ганжинаси. Абдураҳмон-чи, дерсиз. Ўтмишини, ўз-лигини унутган, жонбахш томирларидан узоқлашган Абдураҳмоннинг туйғулари ҳам ўлиб бўлган. У энди бошқа бир муҳит ва жамиятнинг одами. Ҳикоянавис ифлос ва чиркин муҳит инсоннинг энг нозик хис-туйғуларини ҳам ўлдириб юбориши мумкинлигини маъкур образ орқали ҳаққоний кўрсатиб беради.

Дарҳақиқат, "Севги" – фожевий асар. Асардаги асарият қаҳрамонлар тақдир аянчли. Ҳикоядаги бир деталь – "Ўткан кунлар" китоби рамзий маънога эга. Малларанг муқовали асар Абдураҳмонга ўтмишини, севгини эслайти туради. Ўқувчи ҳам ёзувчига қўшилиб китоб Абдураҳмоннинг дўғал хотирасини тирилтиришини, китоб унга эзгуликлар, яхшиликлар ҳада этишини, болаликдаги каби беғуборлик, мардлик ва олижаноблик унга яна қайтишини истади. Лекин, на чора! Абдураҳмон ўша биқик, уфунат босган ҳаётни, фарзанди орқали боғланган ўримчак тўрини кўмсаб йўлга тушади. Ёзувчи инсоннинг мураккаб махлуқ экани, феъл-хўйи ҳатто ўзига ҳам бўйсунмаслиги ҳақидаги ҳақиқатларни аянчли тақдирлар мисолида ифода қилади.

Шоирнинг охириги йилларда эълон қилган ҳикояларини олам ва одамнинг мураккаблигидан тўлиқиб кетган қалб кечинмалари дейиш мумкин. Адиб бу битиклар орқали замондошларимиз қиёфасига чизилар беради. Профессор Қозоқбой Йўлдошев: "Усмон Азимнинг "Ишонадига кўргазма", "Бир даста қизил атиргул", "Ҳодимлар бўлими бошлиги" дея номланган триптих – учлик ҳикоясида эзгулик, гўзаллик, эрк ва одамийлик сингари юксак туйғулар инсонни улғулаши-ю одамларга муносабатларнинг чигал ва тушунарсизлиги оригинал воқеалар тасвири асносида улкан маҳорат билан кўрсатилган. Бу асарлар тасвирнинг ҳаққоний ва таъсирчанлиги, тилининг жозибаси, сюжетнинг пухталиги, персонажлар руҳиятининг теяр ифодасига кўра очун ҳикоячилигининг энг сара намуналари билан бемалол беллаша олади", дея юксак баҳолайди.

"ТОНГ ОТГАН ТАРАФЛАРДА"

Усмон Азим ушбу насрий-драматик достонини онаси Менглихон Холийё қизига бағишлаган. Драма "Алломиш" достонидеги кичик бир эпизод-лавҳадан ўсиб чиққан. Шакаман тоғида яшовчи овчи элнинг бир фарзанди тимсолида Кўк Тангрига сифинувчи туркийлар ҳаёти тасвирланади. Асарда бу гоё Олтой тоғларида Ҳазар денгизигача ўрмондай шовуллаб турган Тонгли эли дея сифатланган. Тонгёруғ она ўгли Ёлғиз Мерганга туққан элини таништирипти: "Олтойдан Ҳазаргача от сурган элинг бор эди, Ёлғиз Мерган. Қишлоқда йўловдан қўчса, йилқиларнинг туёғи тағида қолиб кетмайлик, деб бошқа улуслар кўз кўринмас жойларга узларини оларди. Элингнинг бағри кенг, қудратининг чеки йўқ – давлатининг шавкатига етти қилмининг подшоҳлари таъзим қилар эди! Шундай эл йўқ бўлди!"


Турк ҳоконликлари, туркий салтанатларнинг тарих бағрига сувдай сингиб кетгани асарда мана шу тарзда дард билан айтиб ўтилади.

"Алломиш" туркий халқлар эпоси экан, унда турк элининг минг-минг йиллик армон-ғамлари, изтироб ва қайғулари акс этмаслиги мумкинми? "Тонг отган тарафларда" насрий-драматик достони мана шу жиҳатларига кўра ҳам катта аҳамиятга эга. Достондаги Ғоз Ҳақимбек ва Бойсун – Кўнғирот эли ўртасидаги халоскор – элчи бўлса, драматург бундан унумли фойдаланиб, Ғозга тириклик тимсоли сифатида қарайди. Ёлғиз Мерган гоёни отолмас ҳаёти тугайди. Шўрлик она аслида унга "Ўқинг хато кетмасин...", дея таълим берган. Асардаги Она ва Ёлғиз ўртасидаги суҳбат, Мангукунинг васияти, Алломиш ва Барчиннинг Ёлғиз Мерган жонини сақлаб қолиш учун ҳатто Ёлғорни қурбонликка бериши, Ёлғорнинг жумардлиги томошабинни ҳаяжонга солади, албатта.

Асарда Бўлган Калнинг Тонгёруққа қарата айтган "Бу дунёда фидокорнинг иши оғирдир! Қайси фидокорнинг манглайи ярқираб бу дунёдан ўтди? Сен бу дунёни мард деб уйлама!" деган гаплари бежиз эмас. Тонгёруғ Ғозни – элчини сақлаб қолиш учун ўғлининг йўлини тўсди. Алломишнинг қайтиши, Бойсун – Кўнғиротнинг гуллаб-яшнаши учун қилди бу ишни. Бу – бир фидойилик. Иккинчи фидойилиги, Онаизор авлодни сақлаш, ўлим ёқасида турган ўғлини қўтқариш учун Тангрига илтижо қилиб Ғозга айланади ва ўғли беозор қўш – Онани отиб олади. Онанинг ўлими – Тонгли элининг омонлиги эди.

Истиқлол йилларида кўпчилигимиз ҳуда-беҳуда, баъзан эрмак учун, баъзан фикрга беэак сифатида аср бошида яшаб ўтган улғу маърифатпарварларни тилга олдик, лекин бу миллат-севарлар номи мустақиллик арафасидаги маънавий-мафқуравий курашлар эвзига қайтиб келганини билмас эдик. 1987 – 1989 йилларга ҳада жадидлар ҳаёти ва ижоди оммадан жуда ҳам сир тўтилган, бармоқ билан санарли даражадаги мутахассисларгагина маълум эди. Ўз-ликин англашининг энг муҳими, самарали ва таъсирчан йўли сифатида тадқиқ қилинган миллат маърифати, пировардида, жамиятнинг уйғонишига ҳам сезиларли даражада таъсир кўрсатди. Усмон Азим мана шу долғали, мураккаб ва серқирра даврда шахс ва ижодкор сифатида ўзининг фаол граждонлик позициясини намоён этди. Зеро, ҳақ сўзни айтган ижодкор ҳаққоний ижодкор эмас. Мунофиқлигига фатво эзилган қаламкаш ғаним билан баробар.

Жадидлар меросини ўрганиш ва тарғиб этиш, улар орзу қилган гоғларни байроқ қилиб кўтариш республикамизда 90-йиллар ўрталаригача гуриллади. Истиқлолга беш йил тўлиб-тўлмай мавзунинг долзарблиги номаълум сабабларга кўра сўна бошлади. Матбуотда, телевидение ва радиода, илмий тадқиқот ишларида ўрганилиши сустлашиб, янги аср бошида деярли тўхтади. Мустақиллик арафасида ва истиқлолнинг дастлабки йиллари ҳар куни ёд этиладиган маърифатпарварлар номи



унутилиш даражасига етди. Аслида, эрк ва ҳуррият учун умрини тиккан жадидлар гоёси истиқлолга эришган Ўзбекистоннинг миллий мафқураси сифатида жарангласи лозим эди. Таассуфки, янги тарих ҳам бошқа ўзандан кетди...

Бугун биз жадидлар меросини ўрганишга қаттиқ бел боғладик. Бу хайри иш кампания-бозликка айланиб кетмаслиги лозим. Озодлик, хуррият учун ширин жонидан кечган аждодларимиз мероси очилмаган сирли сандиқ бўлиб турибди. Тарихнинг не-не тилсиз гувоҳлари архивларда чанг босиб ётибди. Аслида, ҳар бир жадид боболаримиз ҳаёти романлар, дostonларга аризулик ҳаётдир.

Усмон Азимнинг улғу адиблар ҳаётига бағишланган драмалари "илдизи" ўтган асрнинг 80-йиллари бошида битилган "Абдулла Қодирий", "Усмон Носирнинг сўнги туши", "Ойбекнинг сўнги шеъри", "Мақсуд Шайхзода" каби шеърларига бориб тақалади.

*Ёмғирдай бир соғинч кўксима тўлди,
Юракка тутайди нотаниш гулу.
Ногоҳ Ватанимни кўрандай бўлдим,
Қодирийнинг худди ўзи эди у.*

Қонхўр сиёсат қиличи ўйнаб турган замонда бундан ортиқ ёзиш ҳалокати эди. Шоирнинг Ватанга ўкинч билан берган таърифи ўшанда нозик дидли ўқувчиларга катта ҳақиқатларни англагани шубҳасиз. "Усмон Носирнинг сўнги туши" шеърдаги қўйидаги сўров бекитилган тарихга ишора, аслида:

*Тонготарга боқдим-да, бирдан –
Кўкрагимни қолдим қўчоқлаб.
Уфқ нега қонга беланган,
Ким осмонни кетди пичоқлаб?*

"Мақсуд Шайхзода" шеърдаги сўнги тўрт сатр қандай сирдан оғох қилмоқда?

*Қора ранга қўл тегизма,
Шафқат ҳам керак андак!
Мен кечирдим, наҳотки, сен
Кечирмайсан, келажак...*

Мустабидлик гоёси емирилиб, қора булутлар тарқай бошлаган йилларда Усмон Азим "Ўттиз саккизинчи йил. Лагерь", "Эллик йил аввал ҳам у чечан эди, // "Абдулла Қодирий миллатчи", дерди", деган шеърлар битди. "Чўлпон" шеърда шоир тилидан "Менинг тақдирим – қийноқ, // Фақат тун аро умрим" деб ёзди. Хуллас, ижодкор "Адибнинг умри", "Абдулла Қаҳҳор", "Кундузсиз кечалар" пьесаларини битишга руҳан ва маънан тайёр эди. Ижодкорларнинг таваллуд саналари туртки берди, хопос.

Ёдингизда бўлса, "Адибнинг умри" пьесаси шундай бошланади: "Ойбекнинг боғи. Чўлпон, Саидносир Миржалилов сулада ўтирибди. Улар қолдан китоб олиб, бирин-бирин варақлаб кўради. Ойбек савоар ёнида – чой қайнатиш билан овора. Абдулла Қодирий гулзорнинг четидеги бир гул тепасида, унга тикилганча турибди.

Чўлпон. Ойбек, ўзбекининг кичиги бўлгунча... А?

Ойбек. Сўраман!

Қодирий (кўзини гулдан узмасдан). Абдулла-ҳамиб, Муса ўзбекининг кичиги бўлмай кими бўлсин?

Чўлпон (кўзи китобда). Каттаси бўлсин... **Қодирий.** Ўзбекининг каттаси қолмаган, Абдуллаҳамид!

Миржалилов (китобдан бош кўтариб). Абдулла, нималар деясан?

Қодирий. Мағлуб халқинча, бўйини қусиб яшайдиган халқнинг каттаси бўлмайди!

Чўлпон. Катталари қаерга кетаркан?..

Қодирий. Қаерга кетаётганини билмайсанми?

Чўлпон (узоқ сукутдан сўнг). Биламан... **Миржалилов.** Абдулла, ундай дема!.. Худода шукур, сен борсан, Чўлпон бор!..

Қодирий. Булар куч олди! Энди ҳеч кимни омон қўйишмайди!..

Драматург боғ манзарасини бежиз киритмаган. Боғ миллат маънавиятининг тимсоли. Бу беқийс гулзордаги гуллар – халқнинг асл фарзандлари. Муаллиф Ойбек бошидан ўтказган туҳмату қўйноқлар орқали давр манзарасини чизади. Драматургнинг ютуғи шундаки, асар фактлар шарҳидан иборат бўлиб қолмай, балки ҳар бир образ томошабини кўз унда феъл-атвори ва зиммасидаги "вазифа"га кўра тирик одам бўлиб гавдаланди. Асардаги Отақўзи, Мирсаид, Зоҳид, Сафар, Ботир ана шундай образлар сирасига киради. Муаллиф пьесага бу номларни шунчаки бир илова тарзида киритмаган. Бу персонажларнинг прототиплари мавжуд. Асар воқеалари 30 – 50-йилларда бўлиб ўтганини эътиборга оладиган бўлсак, "қаҳрамонлар"нинг қиладиган талай "иши" бор. Ойбекнинг бағрикенглиги, жумардлиги асарда жуда чиройли тасвирланган. Хиёнатга меҳр билан ҳавос бериш, тавба қилиб келган бошни силаш чин мусулмоннинг иши. Кечиримли Ойбекнинг катта қалби томошабини ҳайратга солади, одам қалби билан ОДАМ экан-да, дея ўйлашга мажбур этади.

Ўзбекининг буюк шоири Абдуллаҳамид Чўлпонга бағишланган "Кундузсиз кечалар" асарини ўзимизга тўтилган кўзгу дейиш мумкин. Халқимизнинг аянчли тарихи ҳақидаги асар номи, биринчидан, даврга ишора бўлса, иккинчидан, Чўлпоннинг "Кеча ва кундуз" романи санрлавахсига ўйқаш қилиб танланган. Пьесада Чўлпон яшаган муҳит, қатагон даври, мустабиднинг ҳийла-найранглари ва айрим зиёилардаги шахсий фараз-нафратнинг ижтимоий иллатга айланиши-ю миллат зиёиларининг маҳв этилиши тарихий манбалар асосида ҳаққоний тасвирланган. Чўлпоннинг қуйидаги дардчи сўзлари унинг васияти эди аслида: "Адабиёт яшаса миллат яшар, адабиёти гулламаган ва адабиётнинг тараққийсига чалишмаган ва адиблар етиштирмаган миллат охири бир кун ҳиссиётдан, ўйдан фикран маҳрум қолиб, секин-секин инқироз бўлур".

Адабиётшунос Шуҳрат Ризаев "Кундузсиз кечалар", "Адибнинг умри" ва "Абдулла Қаҳҳор" номли ижтимоий-тарихий-биографик асарларни "адабий учлик" – "трилогия" деб атади.

Усмон Азим ижоди ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, тарих, адабиётни таништиришда беқийс аҳамиятга эга. Жунун ўти емиш бешда ҳам гуриллаб турган адиблар кўп эмас. Элим деган шоир баммоси Каъба қопқасида турган посбон. Зеро, ҳақиқатгўй шоирнинг ёш авлодга айтар сўзи шу:

*Юравер. Қолма йўлдан.
Қолган қолар. Ачинма.
Чўчима ҳеч нарсанда –
Ўзбекистон олдидан.
Ботир бўл. Олга югур.
Қўрма ҳар хил қотилдан.
Ахир, тордек суюнчине –
Ўзбекистон ортинда.*

Олим ТОШБОЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист,
ёзувчи.

Гапни ўзимдан бошласам...

Раҳматли бибим "Асад ойида, айни қовун пишмига тугилгансан" деб гапирардилар. Онамнинг эслашларича, пода қайтар маҳали дунёга келган эканман. Қаранг, илмда шунинг ҳам аҳамияти бор – куннинг қай пайти дунёга келиши кейинчалик инсоннинг феъл-атвори, тақдирига таъсир этар эмиш. Бўлса бордир, пешона. Қачон, қай маҳал ёки қаерда тугилиш одамзоднинг кўлида эмас. Лекин менинг пода қайтар маҳали таваллуд топганим аниқ – буни мени дунёга келтирган зот айтган.

Бу ерда 1950 йилнинг 10 август кунини Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида содир бўлган. Мен бундан асло пушаймон эмасман: тугилган санамдан ҳам, кўз очган жойимдан ҳам. Дунёнинг Тошкент ёки, дейлик, Париж деган манзилларида тугилмоқчи ҳавас қилмаганман, бунинг илжоси ҳам йўқ...

Мен гўдаклик чоғимда отам Термиздаги педтехникумни битириб, мактабда муаллим бўлганлар. Эсимни таниган, баъзилар у кишига "домла, домла" деб муржоат қилганида дастлаб таажубланганим шундан. Чунки отам кейинчалик Тошкентда ўқиб, туман миқёсидеги катта-кичик лавозимларда хизмат қилдилар. Бойсуннинг бообрў одамларидан ҳисобланиб, кексаликда ўзлари оқсоқоллик қилган йирик бир маҳалла ҳозир у кишининг номи билан юртилади.

Асли муаллимликдан чиққан эмасми, отамиз китобга роса ўч эдилар. Турли хўжалик ва қурилиш ташкилотларида ишлаган кезларида ҳам китобхонликни қанда қилмаган, ишдан кеч қайтиб, яна тунги соат бир-

иккиларача кўлларида қалам, мутолаа билан машғул бўлар эдилар. Буни таъкидлашимнинг сабаби – одамда, бундай соҳаларга дахлдор кўпчилик, айниқса, раҳбарлик лавозимларига ўтагач, китоб-питобни унутиб юборади.

Биз, ўн бир фарзанд, ана шундай муҳтима тарбия топганмиз. Ўзим китобхонликни бошлаганимда оилавий кутубхонамизда "Хамса"дан тортиб "Том Сойернинг бошидан кечирганлари"гача бор эди. Таъбир жоиз кўрилса, хонадондаги маърифий мусобақа туфайли, ака-ука ва опа-сингиллар бари мактабда ҳам, олий ўқув юртиларида ҳам доим пешқадамлар қаторида бўлди.

Онамиз мактаб кўрмаган, лекин кўп доно аёл. Мақол-маталсиз гапирмайдилар. Буларнинг аксариятини ўзлари тўқиганларига шубҳам йўқ. "Менинг академик экан" деб ҳазиллашиб кўяман гоҳида. Каттақон рўзгорнинг асосий ташвиши, "мусофир ўғиллар" – бизни ҳар соат дуо қилиш, алқашдан тортиб, бир қарвон нева-ра-чеваранинг эркалигу инжиқликлари ҳали-ҳамон кампир онамизнинг зиммасида.

Мен мактабда яхши ўқиганман. Ҳамма фандан илгор бўлишга интилардим. Аммо ўлгудек таъсирчан, ҳаёлпараст ҳам ҳилла акс – қайсар эдим. Ўзимча зўр адолатпараст эдим. Китоб, китобхонликдан бошқа машғулотлардан қочганим рост.

Гарчи, тахминан тўртинчи-бешинчи синфлардан шеъраро ҳикоя ёза бошлаган, шу ният кўнгулга қаттиқ ўрнашган бўлса-да, ҳаёлимда учувчи ҳам бўлиб кўрдим, тоғу тош кезаётган геологика ҳам қизиқиб юрдим.



Қани, ҳам ёзувчи бўлсам ҳам учувчи геолог бўлсам! Болалик орзуларим-да. Мусиқаю драма санъатида ҳам иштиёқим зўр эди. Ўргамчиқ драмалар ёзиб мактаб сахнасида намойиш этганларим эсимда. Ужарлигимданми, кўп панд ҳам еганман.

Ўқиймиз деб Тошкентга келдик: Усмон Азим, Муҳаммад Раҳмон, Нодир Нормат ва мен. Саратон, тўртовимизнинг ҳам соҳимиз тап-тақир қирилган, университет олдидаги майдон хиббонда узала тушиб кираш имтиҳонларига тайёрланамиз. Тўртовимиз ҳам матбуотда унча-мунча кўришиб қолганмиз, шоирликка даъвогаримиз, "шоирлик"ка кирмоқчимиз. Усмон иккаламиз Беҳогочдаги ижара уйимиздан шу ерғача кўл ушлашиб келамиз: трамвай-прамвайга чиқсак, бошқа ёққа оқочиб кетишимиз мумкин! Йўлни дуруст билмаймиз-да. Университетда ўқиган йилларим

мен кўпчиликка аралашавермасдим. Бир ёқларда ижарада турар, ўзим билан ўзим, туну кун қисса ва ҳикоя машқ қилар, аммо худди нозик бир сиримиз кўрмасан деб қўлиб қолдиргандек, уларни ҳеч қимга кўрсатмас эдим.

1972 йили журналистика факультетини битириб, республика радиосида ишлаш бошладим. Аввал озроқ мuddат "Ватандош" тахририятида дикторлик қилдим, кейин адабий-драматик эшиттиришлар бўлимида муҳаррир бўлдим. Бу тахририятда адабий ҳаёт роса қизғин эди, ёзилган ҳар бир янги шеър ё ҳикоя дастлаб шу ерға келарди.

1974 йили бирйўла икки журналда – "Тулистон" ва "Шарқ юлдузи"да туркум ҳикояларим эълон қилинди. Ўша даврларда бу ҳол катта гап эди. Бирдан ёзувчи бўлдим-қолдим. Тахририятлар мендан ҳикоя сўраган, наشريётлар китобимни чиқаришга ишқибоз!

Машхур "Тулистон"да чиққан "Шарҳардан одам келди" ҳикоям сабабми, мени журналга ишга олдилар. Бу ҳам ҳазилакам гап эмас эди. Унутилмас устоз Асқад Мухтор паноҳида беш йил шу даргоҳда ишладим, унча-мунча нарсасга ақлим етадиган бўлиб қолди.

Бу орада – 1977 йили "Чироқлар ўчмаган кеча" номли илк ҳикоялар тўплами нашр этилди. Ўша йили ёзилган "Отининг тугилган йили" деган қиссам кейинроқ "Тулистон"да босилиб, бозорим янада чаққон бўлиб кетди. Шу номдаги китобим учун (1981 йил) ёшлар мукофотининг соҳибдори ҳам бўлдим.

1981 йил "Ёшлик" журнали ташкил этилиб, бир мuddат унда насл бўлимини бошқардим. Ундан кейин Ғафур Ғулум номдаги наشريётда каттақон бир тахририятга мудир бўлиб ўтиб, етти йил шу ерда юрдим. Муҳаррирликдан ортиб унча-мунча китоб ҳам ёздим: "Олам ям-яшил", "Жавоб", "Байрамдан бошқа кунлар", "Пакананинг ошиқ кўнаги", "Мир в цветах" (рус тилида) ва ҳоказо. Кўп нарсаларим чет тилларга таржима қилинди, айримлари (хаммуал-лифликда) китоб сифатида нашр этилди. Чунончи, 1991 йили чех тилида чиққан "Шайхлар ва жонлар" китобимизни уч шерикдан ҳеч биримиз кўрмаган бўлсак керак...

1991 йилда Ўзбекистон Миллий ахборот маҳкамасига ишга тайинландим. Бу ерда кўп нарсани янгилаш, янги замон талабига мослаш зарур эди. Шунга ҳам улушим қўшилди, шекилли.

1994 йилдан буён "Тафаккур" журналига бош муҳаррирман. Журнали

ташкил этишдан тортиб, уни йўлга қўйишгача кўп меҳнат, кўп вақт сарф бўлди. Аммо бу саъй-ҳаракатлар бекор кетмади – "Тафаккур" матбуот оламида ўз ўрнини топди. Журналда ўтган умримдан пушаймон эмасман, хижолат ҳам эмасман.

Кейинги йилларда кино санъатида қизиқиб, шу соҳа ижодкорлари билан ҳамкорликда бир неча бадиий фильм ҳам яратилди. Ҳар ҳолда, кам бўлмадик, аксарияти халқаро соҳилларга пойиқ кўрилганга нима дейсиз!

Ишимизнинг бу ёғи баракалироқ бўлган кўрилади. Ўтган ун йилликда бир талай китоб, саҳна ва экран асарлари дунёга келди. Уларнинг айримлари хоржида, ингилз ва француз тилларида китоб бўлиб чиққани ўзи бир китоб!

Ушбу битиклар таржимаи ҳол эмас, шунчаки йўл-йўлакай қайдлар, сийрак чизгилар, холос. Таржимаи ҳол – расмий ҳужжат. Унда кўпична рақамлар устунлик қилади. Ёзувчининг чинакам таржимаи ҳоли эса унинг асарларида акс этади. Унча-мунчаси ёзилди, насиб этса, яна давоми бўлар.

Ёзувчи мардум "ўзидан ортаанда", кўнелидагини ошиғич изҳор этиш эҳтиёжи пайдо бўлганда публицистикага кўл уради. Ушбу китобга, асосан, газета-журналларда босилган мақола ва суҳбатлар жамланди. Нарри-бери қирқ йиллик адабий хизмат асосида унча-мунчаси тўпланиб қолган экан. Саралаш чоғида, табиийки, кундалик матбуот нафаси агуриб турганларидан воз кечилди, буёунги муаммоларга эшроқ туюлган матнлар ажратиб олинди.

МУАЛЛИФ

Эркинликнинг ШАРТИ

Ўзбекистонда матбуот эркин эмас, унга ҳар турли таъйиқлар мавжуд, деган гапни кўп эшитамиз. Бу ҳақда чет элларда гапирилади, ўзимизда ўтказилган халқаро анжуманларда айтилади, ажнабий мухбирлар билан бўладиган анъанавий учрашувларда Президентимизга ҳам шу тўғрисида кўп савол берилди.

Хўш, аслида ахвол қанақа? Ўзбек матбуотида эркинлик йўқми? Нега? Эркинлик дегани нима ўзи?

Матбуот эркинлиги ҳусусида гап кетганда, бизга кўпична юксак тараққиёт этган, неча ун йиллик демократик таърибага эга бўлган Америка Қўшма Штатлари ёки илгор Оврупо мамлакатлари матбуотини мисол қилишади. Бунда негадир бизнинг кечагина коммунистик истибдоддан қутулиб, янги йиғимий ва иқтисодий тузумга ўтганимиз, бу йўлдаги мураккабликлар, мавжуд нозик сиёсий вазият, халқимизнинг ижтимоий-тарихий анъаналари, зехнияти, маънавий-маърифий ўзига хошлиги, онгимизда собиқ тузумдан мерос қолган асоратлар, бориники, зикр этилган мамлакатлардаги демократик таърибалар бизда ҳали тўлиқ шаклланигани каби омиллар унча ҳисобга олинмайди.

Ваҳоланки, матбуот эркинлиги демократиянинг асосий шартларидан экани, чинакам демократик жамиятда матбуот "тўртинчи ҳокимият" ҳисобланиши, демократиясиз, эркин матбуотсиз замонавий тараққиётга эришиб бўлмаслиги каби ҳақиқатларни биз ҳам биламиз.

Келинг, аввало демократия ҳақида, унинг ўзига хошлиқлари ҳақида гаплашиб олайлик. Бизнинг ҳуқуқий, демократик, инсонпарвар жамият қурмоққа аҳд қилганимизни ҳамма биледи. Бу борада эришган унча-мунча ютуқларимиз ҳам кўрган-билганларга аён. Лекин демократик андозлар масаласида бизнинг ўз фикримиз бор. Биз – Шарқ одамларимиз, демократиянинг умум эътироф этган туб қонун-қоидалари борасида яқдил эканимизни таъкидлаганимиз ҳолда, унга шарқона назар билан қараш тарафдори эканимизни ҳам яширмаймиз.

Матбуот эркинлиги масаласига келганда менинг ёдимга "ошкоралик" деб аталган йиллардаги манзаралар тушади. Ўша йиллари ўзбек матбуоти ростида ҳам "гуллаб-яшнаган" эди. Газеталар қўлма-қўл бўлиб кетарди. Ўқиб улгурчи қийин эди. Нега? Негаки, мустақиллик учун кураш бошланган, кўп йиллик истибдод натижасида жамиятда тўпланиб қолган муаммолар юзага чиқмоқда, ошкоралик баҳона ана шуларга нисбатан танқидий руҳ кучайган бир давр эди. Жамият сохтарчиликлардан, ёлгон ваъдалару қуруқ сафсаталардан безган, чарчаган – рост сўзга, дадил сўзга эҳтиёж зўр эди.

Ҳозир бу ҳолинг салбий-ижобий томонларини баҳолаб ўтиришга ҳожаат йўқдир, аммо ошкоралик баҳона, шарқона одоб-ахлоққа, шарқона назоратга тўғри келмайдиган кўплаб ноҳушлиқлар ҳам содир этилганини айтмасак бўлмас.

Дарвоқе, танқид, танқидий руҳ дедик. Бу сўзлар кечаги тузумни, коммунистик мафқурани

ёдга солмайди? Танқид, ўз-ўзини танқид, соғлом танқид, носоғлом танқид... Лекин ҳаммаси ҳўжақўрсинга! Танқид – танқид учун! Шу керакми бизга?

Тўғри, одамзод табиатида шундай бир қусур ҳам борки, бировнинг ички ҳаёти, кирдикорларидан воқиф бўлиш унга гоҳо ҳузур бағишлайди – қизиқ-да! Аммо бировнинг авра-астарини ағдариб ерга уришдан, шармандасини чиқаришдан жамият манфаат кўрадики – гап шунда. Қолаверса, биз ҳавас қилаётган демократик мамлакатлардаги матбуот, ҳар қанча эркин бўлмасин, танқид билан кун кўрмайди. Унинг асосий вазифаси – мавжуд воқеликни дадил акс эттириш, таҳлил қилиш ва холис баҳолаш. Қани, бировни ноҳақ қоралаб кўринг-чи, қонун сизни не қўйларга солар экан! (Бу ўринда гап норасмий олдиқочидан иборат арзонгаров матбуот тўғрисида кетаётгани йўқ, албатта.)

Хўш, ўзбек матбуотида нима етишмайди? Мамлакат раҳбари катта-кичик йиғинларда журналистларни ҳужумкорликка, шижоатга қайта-қайта даъват этганига, бу борада турли-туман анжуманлар ўтказилиши чорра-тадбирлар қўрилганига, ҳатто махсус ташкилотлар тузилганига қарамай, нега матбуотимиз ҳамон суст, мароқсиз?

Бунинг сабаблари, бизнингча, бундай:

1. Жамоат ташкилотлари га тегилли газета-журналлар, демакки, у ердаги журналистлар ҳам ҳали зарур моддий-иқтисодий имкониятларга эга эмас, ҳамон маюссиларга қарам.
 2. Мустақил нашрлар зарур ҳуқуқий асосга эга эмас, етарлича шаклланиб, оёққа туриб улгурмаган.
 3. Расмий матбуот ҳозирча асосан мустақилликнинг моҳияту мағзини, бозор муносабатларининг афзаллигини таҳлил этиш, тушунтириш билан машғул. Бугунги ўтиш даврида бу – табиий ҳол. Иқтисодий ҳаётда – давлат бош ислохотчи.
 4. Ҳар бир қаламқаш-журналистнинг вужудида ҳамон кечаги тузумдан қолган ҳадик – цензор ўтирибди. Чехов таъбири билан айтганда, бу иллатни томчимча-томчи ситиб чиқариш лозим бўлади.
- Айтилган сўз – отилган ўқ, деган гап бор. Матбуотнинг сўзи бамисоли ана шундай ўқ, уни ортага қайтариб бўлмайди. Буни биз яхши биламиз. Ҳар қандай эркинликнинг шартин масъулият. Масъулият чиғирликларидан ўтган матбуот эркинлик сарҳадларида ўзини йўқотиб қўймас.

Бир танишим "Ўзбекча газеталарни ўқий осон, бирпасда кўздан кечириб қўясиз, чунки ҳаммаси маълум гаплар, деярли янгилик йўқ; Москов матбуотини эса бошдан-оёқ мутолаа қилиб чиқишга мажбур бўласиз – ҳаммаси қизик гаплар!" деган эди.

Москов матбуотини идеаллаштириш ниятимиз йўқ. Ҳечам идеал эмас у. Лекин масалага реал қарасак, биз ҳозирча матбуотимизни бошқа бир матбуотга солиштириш имконига эга эмасмиз, негаки инглизча ё бошқа тилдаги нашрларни ўқий олмаимиз. Хоҳлаймизми-йўқми, бор гап шу – матбуотимиз шўро матбуоти, рус матбуоти таъсирида шаклланиган. Бизда, инқилобдан олдинги жадид маърифатчилик матбуотини ҳисобга олганда, бошқа бирон таъриба, анъана йўқ деса бўлади. Бинобарин, матбуотимиз бу борада ҳам йўл бошида турибди.

Демократик матбуот ҳақида гап кетаётир. Хўш, матбуотда танқид керакми? Керак, сув билан ҳаводек зарур! Қуруқ мақтов, ҳамду сано ҳеч қимни қизиктирмайди. Ўша асосиз мақталаётган, кўтар-кўтар қилинаётган ташкилоту корхона, ўша раҳбарнинг ўзидан бошқа ҳеч қимни! Дейлик, олис Сурхондарёдаги олис бир хўжалик ерларига чигит қадалгани ҳақидаги жўнгина хабар кимга нима янгилик бера олади? Чигит ҳар йили мавсум келганда албатта қадалиши керак, шундай қилинмаса пахта ўсмайди, ҳосил бўлмайди. Ҳосил бўлмаса – у ёғи маълум гап. Бу – атиги қишлоқ хўжалик ахборотно-масиাগина кириши мумкин бўлган оддий маълумот. Матбуот хабари эса, ўша олис сурхондарёликкагина эмас, умрида далага чиқмаган, пахта кўрмаган одамга ҳам қизиқарли, аҳамиятли бўлмоғи даркор.

У ҳолда, умуман, матбуот фақат танқид билан шуғулланиши кераки, шундай қилмаса, зерикари, ҳеч қим ўқимайдиган бўлиб қоладими? Йўқ, асло ундай эмас. Матбуотнинг вазифаси танқиддангина иборат эмас. Матбуот ҳақиқий ахборот, ҳаққон неғизда, ҳаётдаги бошқоғлар, асосий йўналишлар таҳлили воситасида жамоатчилик фикрини шакллантиришга хизмат қилмоғи керак. Бунга эса теран таҳлилсиз, гоҳо одамга хуш келмайдиган, ғашига тегадиган, ғазабини ҳам қўзғайдиган нордон танқидсиз эришиб бўлмаслиги аён.

Демак, танқид зарур, матбуот танқидсиз яшай олмайди. Хўш, у қандай танқид бўлиши керак? Ҳамма гап ана шунда. Танқиддан мақсад – танқид, ўч олиш, ер билан яқсон қилиш, бадном этиш эмас, ҳақиқий манзарани очиб бериш, камчиликларни баралла айтиш, ишни яхшилашга оид йўл-йўриқлар кўрсатиш, оқилона, фойдали хулосалар ясашдан иборат бўлиши керак. Танқид маҳв этувчи, яқсон қилувчи эмас, бунёд этувчи, ҳаётбахш омил бўлмоғи лозим.

Москов матбуотини ўқиганда мароқланишимиз рост – бу масалада боғи танишим ҳақ. Лекин уни ўқиганда кўнглимизни зулмат, умидсизлик чулғаша ҳам ҳақиқат. Нега бундай? Демак, бизга нуқул "жимжит, олам гулистон" матбуот керак экан-да? Зинҳор ундай эмас. Ундай матбуот жамиятни қарахликка

ТАНҚИДДАН МУНЧА ҚЎРҚАМИЗ?

олиб келади, қарахт жамиятда эса на ижтимоий, на иқтисодий тараққиёт бўлади.

Назаримда, бизни ҳамон кечаги замоннинг анъаналари, "ўтиш сарқитлари" таъбиқ этмоқда. Москов матбуоти унинг "уриб йўқ қилиш" тамойилини қурол қилиб олган, биз эса... Хўш, қайсиси маъқул бунинг?

Иккаласи ҳам маъқул эмас. Маъқули – меъёрни сақламоқ, маъқули – ҳаёт воқелигини акс эттиришда ҳалоллик, холислик меъорларига амал қилмоқ.

Москов матбуоти танқиднинг барбодгар йўлини танлаганини айтдик. Бу йўл бизга кечаги тузумдан таниш. Бундай танқид усули коммунистларнинг ишонган қуроли эди. Улар ўзларига ёқмаган, ўзгача фикрловчи, умуман, фикрловчи қавмдан ана шу йўл билан – уриб ерга қиритиб юборадиган танқид йўли билан ўч оларди. Ғирром йўл эди бу, нотанглик эди бу. У танқиднинг номлари ҳам бир талай эди: "ўртоқларча танқид", "принципал танқид", "коммунистик танқид", "ўз-ўзини танқид"...

Танқидни турларга ажратиб бўлмайди, танқид холис, беғараз бўлиши керак, вассалом!

Москов матбуоти эса бузғунчи, барбодгар танқид йўлини танлагани учун ҳам жамоатчиликни – жамиятни эмас, балки айрим пулдор, сармоёдор замона зўрларининг қўлига ўтиб кетган. Березовский, Гусинский, Жириновскийга ўшанга жонбарлар, "Газпром"у "ОНЭКСИМ" банкка ўшанган халқ мулкнинг балохўр юқолари матбуотни бир-бирларига қарши қурол қилиб ишлатяпти. Мана сизга ҳаққий матбуотнинг аҳволи! Бундай вазиятда ҳалоллиги холислик ҳақида гап бўлиши мумкинми?!

Сирасини айтганда, танқид – ўнғай, осон йўл; таҳлил деганлари қийин. Бунинг учун маълум малака, билим, сабр-бардош керак бўлади.

Хўш, нега кўрқамиз танқиддан? Бизда матбуот бир тўда балохўрнинг қўлида эмас-ку! Биз, ҳув бир замонлардагидек, танқиднинг ортидан келадиган "орғывод"лардан кўрқамиз. Биз жамоатчиликнинг салбий фикри ёки нафратига дучор бўлишдан эмас, кўпична мансабимиздан ажралаб қолишдан чўчиймиз. Биз танқиднинг ноҳолис, ғаразли бўлишига ўрганиб қолганмиз – ҳамма бало шунда!

Газетасида танқидий мақола босилган кун бош муҳаррир юпанчдори ичиб ўтиради. Чунки – ҳар тарафдан таҳдид, дўқ-пўписа, пастанду юқоридан телефонлар. Ҳолбуки, бундай муносабат, яъни кўнғирок бўлса, фақат бир ташкилотдан – суд маҳкамасидангина бўлиши керак. Аммо бунга ҳали талай қовун пишми борга ўхшайди.

Афуски, ўзини мақтатиш учун, рақибдан

ўч олиш учун мухбир ёллаётган, ҳатто тахририятларга юғриб ўзига дастёр бўладиган одамларни мухбирликка тайинлаб юрган раҳбарлар, ҳокимлар бизда ҳам топилади. Бунинг оқибатини изоҳлаб ўтирмоққа ҳожаат йўқдир.

Матбуот бу каби "меҳрибон ҳомий"ларга муҳтожу ҳар турли садақага зор бўлмаслиги керак.

Тахририятлар фаолиятига боғлиқ яна бир-икки мулоҳаза.

Бош муҳаррирлар айтсин: қайси тахририятда штатлар тўлиқ банд? Ходимлар кўпична илтимос, ҳатто хушомад билан ишлатилади. Бўлмаса, даромадироқ жойга кетиб қолади. Нима кўп – газета-журнал кўп. Пул топган, қозғ топган исми корхона бор, газет ё журнал очиб оляпти. Бу ҳол яхшими, ёмонми – бошқа масала. Лекин кечаги мусаҳ-ҳиҳ – бу ерда бош (Бош!) муҳаррир; "бош" дейилгани учун бош ҳарф билан ёзиш ҳам расм бўлган. Гоҳо қўлида оддий муҳаррирнинг ўзи йўқ, билмадик, у кимга "бош" экан?

Баъзан бир одам бир неча жойда мухбирлик қилади. Ҳалоли бўлсин, аммо бундай ходимдан нимани куттиш мумкин? Бу ҳам бир муаммо.

Матбуотимизни жонлантириш учун журналистларни чет элларда ўқитишимиз керак, деяпмиз. Ўқитайлик, зиён қўлмайди. Бироқ уларни ўқитишга юборишдан олдин боғдик муаммоларни ҳам ҳал қилиб олмоқ керак бўлади. Негаки, Америкада ўқиб келган ёшлар эртага "Халқ сўзи" ёки "Ўзбекистон овози" да ишлагиси келмайди, рекламафуруш радиоларга, чет эл агентликларининг мухбирлигига, ҳеч бўлмаса, телевидениега югуради.

Тахририят тўзимларини ҳам ўйлаб кўриш мавриди етди. Ҳамон эскича тизим! "Ўттиз йил муҳаррирлик қилдим, аммо ҳисоб-хона қайдаю қозғ қаяқдан келади – билган эмасман", деган эди бир оқсоқолимиз... Ҳозир муҳаррир – завхоз, таъминотчи, иқтисодчи – ҳаммаси ўзи! Бунақа газетанинг аҳволи ўз-ўзидан маълум!

Хўш, матбуотимизни янада жонлантириш, замон талабларига етказиш учун нима қилмоқ лозим? Бир эмас, бир неча забардаст қонун яратилди, махсус фондлар, марказлар ишлаб турибди – яна нима керак? Яна... эриш, қулгили туюлиши мумкин: ана шу қонунларга астойдил амал қилиш керак: биз – журналистлар ҳам, муштарийларимиз ҳам, хуллас, афкор жамоатчилики!

1997 йил

"Эрталабки ҳаёллар" китобидан олинди.

1996 йил

УМР ИБРАТИ

У киши билан 2017 йили болаларнинг сеvimли шоири, раҳматли Турсунбой Адашбоевнинг жанозаси кунда танишгандим. Биланд буйи, тик қомаги, юзидаги бир қадар жиддийлик уни бошқалардан ажратиб турарди. Таъзия кунлари ҳассакашлар қаторида турган Аҳмаджон Мелибоев, Зухриддин Исомиддинов, Аҳрор Аҳмедов сингари таниқли журналистлар ҳам унга ҳурмат-эътибор билан муносабатда бўлишганди. Ёши саксонларга бориб қолган бу киши уч кун биз билан Турсунбой ака яшаб ўтган хонадон йўлагига таъзияга келганларни кузати.

Дўст-биродарлар таъзиясида дардкаш бўлиб ўтиришда ҳам ибрат бор. Бейхитёр эрта бир кун келиб, ўзинг ҳам бу фаний дунёдан боқий дунёга кетишинг ҳақида ўйлайсан. Марҳумнинг хайрли амалларини ёдга олсан. Дўстнинг дўстларини танийсан. Утган кунларингга, умр дафтарингга бир назар ташлайсан. Зухриддин акадан у киши ҳақида сўрадим. — Собир ака асли Наманганнинг Янгиқўрғонидан, Турсунбой аканинг болалик қадрони, — деди у. — Уларнинг дўстлигига ҳамма ҳавас қилади. Турсунбой ака Тошкентдан она юрти Қирғизистоннинг Олабуқа қишлоғига кетаётганида Собир акани кўриб кетарди. Собир ака Тошкентга келса, албатта, Турсунбой ака билан учрашарди. Тўй-маъракалар бир-бирларисиз ўтмасди. Турсунбой ака туфайли Собир ака кўп ижодкорларга қадрдон бўлиб кетган.

Орадан бир неча йил ўтиб, Собир ака Тошкентда Турсунбой Адашбоев ва Тоҳир Малиқни хотирлаб эҳсон дастурхони ёзди. Унда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, халқ шоири Сирожиддин Саййид ҳам қатнашди. Яширмайман, кўнглимнинг туб-тубидан “қани эди, меннинг ҳам шундай дўстим бўлса”, деган ўй кечди.

Ота-онасига ихлос билан хизмат қилиб дуоларини олган, қалбида ҳасадга йўқ, эҳсонни кучли эркалашган дўсти кўп бўлар экан. Ҳаёт мактабимда шундай хулосага келдимки, Собиржон ака ҳам, Турсунбой ака ҳам дўсту ёронлари кўп ана шундай фазилатли инсонлар экан.

Алиқонтура Соғунийнинг “Тарихи Муҳаммадий” асарига ёзилишича, Пайгамбаримиз Муҳаммад соллаллоху алайҳи васаллам билан Абу Бакр Сиддиқ болаликдан дўст бўлишган. Бу дунёда энг оғир машаққатлар, мусибатлар набилайр бошига тушган. Расулulloх учун энг кийин дамларда ҳам Абу Бакр Сиддиқ дўстига содиқ қолган. Бу ислом оламида дўсти содиқларнинг энг олий намунаси бўлса керак.

Ҳоҳида дўстларим кўп, лекин содиқлари бормикан деб ўйлаб қоламан. Яхши гумонданман. Борга ўхшаб туюлаверади.

Кейинги ойлорда Турсунбой ака ва Собир акаларни тез-тез ўйлайдиган бўлиб қолдим. Яхшиларнинг яхшиликларини ҳаётлик чоғларида билдириб қўйиш ҳам бир эзгу фазилат деб эшитган эдим.

Янгиқўрғоннинг Заркент қишлоғига қараб отландим. Собиржон ака билан келишилган пайтда у яшайдиган хонадонга бордим.

— Хуш келибсиз, Турсунбой дўстим баҳона-сида уйимизга улуг адиблар қадамлари теккан, — дея ичкарига таклиф қилди у киши. — Сизни кўриб, ўша кунлар ёдимга тушиб кетди.

Собиржон акадаги аввалги ғайрат ва дадиллик ўрнини сокин мўйсафидлик эгаллабди.

— Турсунбой билан танишганимда 5-синфда ўқирдим, — деб хикоясини бошлади. — Дўстимиз кўшни Қирғизистоннинг Олабуқа райони-

ДЎСТИ СОДИҚЛАР

(Садоқат ва одамийлик ҳақида хикоя)



СУРАТДА: (чапдан ўнга) мақола муаллифи, публицист Мухаммад Кенжа (Дилмурод Қирғизбоев), Халқ маорифи аълоҳиси Собиржон Отажонов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Аҳмаджон Мелибоев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Зухриддин Исомиддинов ва педагогика фанлари доктори, профессор Қозоқбой Йўлдошев.

даги Сафед Булон қишлоғида туғилган. Заркентимизга ўн икки яшар бола пайти мухбирлик қилиб келган эди. Заркент қишлоқ матлубот жамияти раиси, адабиётни яхши биладиган Тўрақўжа Ҳасанов ҳақида мақола ёзиш ниятида биз томонга ўтган экан. Ушунда танишган эдик. У пайтлари республикалар ўртасида чегаралар йўқ эди. Биз уларнинг қишлоғидаги, улар бизнинг қишлоғимиздаги мактабларда ўқиб юрарлардик. Битта синфда ўқидик. Турсунбой болалигидан адабиётга берилган эди. Бир кун кимё дарсида бадиий китоб ўқиб ўтирганида домламиндан дакки эшитгани ҳечам эсимдан чиқмайди. Оққўрғон қишлоғидаги мактабда 10-синфни ҳам бирга битирдик. Адабиётга қизиқиши чуқурлашиб борарверди. Ёшлигимдан мен ҳам китоб ўқишни яхши кўраман. Аммо Турсунбой эса китоб ўқиб, шеърлар ёзарди. Мактабни битиргач, у Ушба бориб, газетада ишлаш бошлади, уйланди.

Сафед Булонга бизнинг Заркент қишлоғимиз орқали ўтилади. Унинг баҳонасида Тоҳир Малик, Озод Шарафиддинов, Иброҳим Ғафуров каби таниқли адиблар билан бир давраларда ўтириб, қадрдон бўлиб кетдик. Айниқса, Заркентда лицей-интернат очилиб, мен унга директор бўлгач, кўплаб таниқли шоир ва ёзувчи, олим ва санъаткорлар билан учрашувлар ўтказардик. Мухлислар залга сизмаганидан лицей ҳовлисига тўлиб кетарди. У давраларда адабиётга бўлган муҳаббат ҳам, одамлар орасидаги оқибат ҳам кучли эди.

— Турсунбой Адашбоев билан сизни адабиёт дўстлаштирган экан-да, — дедим суҳбатга кўр ташлагандек бўлиб.

— Жуда тўғри таъриф бердингиз. Дўстлар ўртасида адабиёт, китоб турса — бундай дўстликнинг умри боқий бўлар экан. Ҳаётимиз болалар тарбияси, адабиёт, ижод ҳақидаги суҳбатлар билан мазмунли эди. Бир-бирларимизни кўрмасак, соғинадиган, кўрганда севинчдан бошимиз осмонга етадиган бўлди.

— Сиз ҳам Турсунбой акага ўхшаб камтарин

экансиз, — дедим. — Бизларнинг дўстлигимизни шу хислат камолотга етказганди. Салкам етмиш йиллик дўстлигимизни ўлим ажрата олди.

Турсунбой турланмайдиган одам бўлган, — деб Собир ака сўзини давом эттирди. — Ялтйроқ ёлғонларни ёмон кўрарди. Тўғри сўзли, бир юзли, ҳалол инсон эди. Кибри одамни ёнига яқинлаштирмас эди.

— Ўхшашмагунча учратмас дейишади. Сизни ҳам билганлар шундай таърифлашади! Эсингизда бўлса, Тошкентда кўришганимизда ҳикматли бир гапни айтганингиз: “Турсунбой Адашбоев билан чўнтақларимиздан шамол ўтиб турган пайтда дўст бўлган эдик”, деб. Бу адибона ибора. Дўстликка содиқликнинг ҳикмати ҳам, ибрати ҳам шунда! Дўстликнинг кудрати садоқатда!

Рус тили ва адабиётини яхши билишингиз ҳақида яхши фикрлар эшитганман, — деб уни саволга тутдим.

— 1952 йили 5-синфни аълога битирганим учун фаол ўқувчиларнинг 3-республика қурултойига юборишди. Тошкентдан поездда икки нафар миллати рус ўқувчи қизлар билан бир купеда қайтдик. Рус тилини мутлақо билмасдим. Улар чой ичишса, ташқарига чиқиб турдим. Гаплашгим келади, тил билмайман. У пайтлари поездлар Тошкентдан Наманганга икки кунда келар экан. Роса алам қилди. Олтинчи синфдаёқ рус тилини ўрганишга киришдик. Бир йилда уч мингта сўзни дафтарга русча-ўзбекчада ёзиб ёдладим. Кейинги йил ҳам тил ўрганишим шундай давом этди. Сақининчи синфга ўтган чоғим русча гап туза бошладим. Тўққизинчи синфда эса “Бошсиз чавандоз” асарини рус тилида ўқиб, ўқитувчимизга сўзлаб бердим. “Яхши, етмиш фойз тушунибсан, бўш келма”, деб мени рағбатлантирди. Учинчи синфда рус тилидаги асарларни бемалол ўқиб, мазмунини тушунадиган бўлиб кетдим. Ҳатто ўзим ўқувчи бўлсам-да, устозларимнинг илтимосига кўра, кечки синфларга

математикадан рус тилида дарс бера бошладим.

1962 йилдан бошлаб икки йил Саратовда ҳарбий полк мактабига зобит бўлдим. Ўзбекистондан борган болаларга рус тилини ўргатиб, уларни хизматга тайёрладим. Рус тилини руслардан яхши билар экансан, деб полкда ҳурматим ортиб кетди. Кутубхонада беш мингдан ортиқ ўзбек ва рус тилларидаги китоблар бор. Аллоҳ менга тез ўқиш ва тафаккур қилиш учун ўтқир зехн берганига беадад шу-



СУРАТДА: Собиржон ота Отажонов. 2025 йил 27 июль.

кур қиламан. Китобларимнинг ҳаммасини ўқиб чиққанман.

— Шахматни ҳам яхши ўйнар экансиз. — Наманган давлат педагогика институтида ўқиётган талабалик давримда шахмат буйича

Ўзбекистон чемпиони билан парқда сеанс бўлганди. Биргина мен уни ютганман, — деди у қулимсираб.

— Эшитишимча, сизни бошқа миллат вакиллари ҳам бағрикенг инсон деб ҳурмат қилишар экан, боиси нимада?

— Асосий сабаби илмда, кўп ўқиганликда деб биламан. Тил билиш, илм кишини доимо давра тўрига олиб чиққан. Бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолишини истардим. Математика фанидан устозим яхшуд киши бўлган. Ундан ҳам кўп нарсани ўрганганман. Қаерда, қайси соҳада ишлаган бўлсам, доим янгилик қидириб юрганман. Иш фаолиятимда дунё тажрибаларини кўллаб, олқиш олганман. Кутубхона ташкил этиш, китобсеварларни рағбатлантириш борасида ҳам ривожланган чет мамлакатларнинг илғор усулларидан фойдаланганман. Одамлар ҳали-ҳануз ўтган кунлардаги яхши ишларини айтиб юришади.

Аям раҳматли: “Дунёвий илмга кучли ихлос қўйдинг, шу қобилиятингни исломий илмга сарфлаганимда борми, катта уламо бўлардинг”, деб гапириб қоларди. Хар қандай илминг поёнига етиш учун сабр-тоқат керак. Қирқ тўққиз йил муаллимлик қилдим. Халқ таълими аълоҳисини бўлдим. Олтинчи тўрт йиллик умр йўлдошим — II даражали “Меҳнат фахрийси” Бибируқия хоним билан қўша қариб юрибмиз. Босиб ўтган умримнинг бирор кунига афсусланмайман. Кексалик чоғларимда муқаддас динимиз йўл-йўриklarини чуқурроқ ўргандим, фарз ибодатларимни ҳам бажариб юрибман. Маккаю Мадинага ҳаж зиёратига турмуш ўртоғим билан бориш насиб этди. Шукур, беадад шукур қиламан, бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор. Фаҳрим шуки, бугун фарзанду набираларим хизматларимизни қилиб, дуоларимизни олишмоқда.

— Ҳовлидаги алвон-алвон гулларни ўзингиз парварिश қилсангиз керак-а? — дедим гулзорларга тикилиб.

— Гулларга аёлим қарайди. Ҳовлидаги сўрида Собиржон ака билан суҳбатлашиб ўтирибман-у, гўё Турсунбой ака бизларга қараб тургандай эди.

Саксон беш ёшда ҳам теран фикрлайдиган, нозиктаъб, меҳридор ўстозни йўқлаб келиб, кўнглини кўтарганим учун ўзимдан хурсанд бўлиб кетдим. Унинг сиймосида солиҳ бир мўминнинг камолотини кўрдим. Иллий, маърифатли, дўстга содиқлар ҳар қандай моддий кудратдан устун эканига улар тимсолида яна амин бўлдим...

Мавлоно Жалолиддин Румий: “Ҳақиқий дўстлар кўл билан кўзга ўхшайди. Кўл орғанда кўз йиғлайди, кўз йиғлаганида, кўл уни артади”, деб айтган экан. Дарҳақиқат, Собир ака ва Турсунбой ака ҳам шундай дўст эди.

Дўстлик кудрати садоқатда. Дўсти содиқликни эса Яратган фақат ўзи суйган бандаларигагина мукамал насиб этар экан! Ҳар кимни ҳам Аллоҳ шундай улуг неъмат билан сийласин!

Мухаммад КЕНЖА.

ТУЙҒУ

ҚИЗЛАР ОРЗУСИНИ АСРАНГ



Ҳаёт синовлардан иборат. Кимдир камбағалликни, бошқаси соғлиғи билан боғлиқ синовларни кулфат деб билади. Дунёдаги энг оғир кулфат — қиз боланинг орзулари саробга айлангани, бахти сўниб қолган ҳолатидир. Қиз бахтсиз бўлса, у фақат ўзи эмас, бутун оиласи бахтиёрлигидан ажралади.

Қизнинг қалбида орзулар, эзгу ниятлар бўлади. У муҳаббатни, эътиборни кутиб оппоқ ниятлар қилади.

УНИ ҲАММА ЯХШИ КЎРАДИ...

Маҳалламизда К. исмли қиз бор эди. У болалигидан жуда зийрак, орзулари кўп, келажакка катта ишонч билан қарайдиган қиз эди. Ҳамма уни яхши кўрар, мактабдаги фаол ўқувчи сифатида танир эди. Лекин оиласидаги муҳит, ота-онасининг жанжаллари, қизи тақдирига эътиборсизлиги уни аста-секин сўндирди. Уқишдан кўнгли қолди. Дўстларидан узоқлашди. Ҳаётга бефарқ, орзуларсиз, бахтсиз бир одамга айланди. Минг афсуски, бугун унинг кўзларида изтироб.

У БАХТЛИМИ?

Хужжатли фильмда қишлоқда яшаётган бир қизнинг тақдирини тилга олинганди. Унинг орзуси шунчаки ўқиш, ҳаётда ўз ўрнини то-

пиш эди. Аммо ота-онаси уни ёшлигидаёқ турмушга узатиб юборишди. Эринг доимий зўравонлиги, тинимсиз ҳақоратлари уни ичидан еб битирди. У “мен бахтлиман” деб айта олмади. Унга ҳаёт — зулмат бўлди. Бундай мисоллар, афсуски, ҳаётда жуда кўп учрайди.

УМИДЛАР СЎНМАСИН

Қиз бола — келажакдаги она. Бахтсиз қиз — иқбосиз она. Оила меҳр нуридан маҳрум хилқат. Қизлар беғубор бўлади. Қиз боланинг бахти — унинг билим олишида, фикрини эркин айтишида, севиб ва севилиб яшашидадир. Аёл кулса, дунё қулар. Демак, у йиғласа — дунё табассумлардан айрилади. Энг катта фожиа — йиғлаётган қизни кўриб, ҳеч ким бунга эътибор бермаётганидир. Бу — умидлар кўз ёшидир. Оиладаги муаммо илдизиде кўпинча бебахт аёллар туради. Бахтли жамият истасак, аввало, ҳар бир қиз қалбидаги баҳорий орзуларини асрашимиз, унга меҳр, муҳаббат ва имконият беришимиз керак. Ҳар бир қиз, ҳар бир аёл бахтли бўлишга ҳақлидир!

Жасмина БАХТИЁРОВА,
Ўзбекистон Миллий университети талабаси.

МАСАЛ



ОЛАКЎЗ

Хўжайин йўғида уй ҳайвонлари ҳаддидан ошиб кетган Итти муҳо-кама қилишди.

— Утган-кетганга ҳуда-беҳуда вовиллаверади!

— Ақиллашини-чи?!

— Товуқларни қулаб, патини тўзғитиб ташляпти!

— Бунинг дастидан бечора дўмбоқ Жўжаларга кун йўқ!

— Очофат!

— Ўзи вазифаси қоровуллиги ўри Мушукларга ошна бўлиб олганга ўлайми?!

— Ўғриларга шерикми, демак, ўзи ҳам — ўғри!

— Эҳ, хўжайин билмайди-да! Энг садоқатлигим шу, деб ўйлайди. Эси!

— Хўжайиннинг олдида думини ликиллати-да! ўзини вафодор қилиб кўрсатади-да!

— Уятсиз!..

Мана шу охиригиз сўз боядан буён ола кўзларини осмонга қадаб, беписанд ва беларво эснаб ётган Итти жавоб қайтаришга мажбур қилди:

— Уятим бўлганида, ит бўлар-мидим?..

Носиржон ТОШМАТОВ